

Куч – адолатда

Аدل ила олам юзин обод қил!

2025 йил
12 декабрь,
жума
№ 50-51
(1085)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

<http://www.kuch-adolatda.sud.uz>

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМАНИСТОНГА АМАЛИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 декабрь куни амалий ташриф билан Ашхобод шаҳрига келди.

Пойтахт аэропортида давлатимиз раҳбарини Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Хожамират Гелдимирадов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ўзбекистон Президенти Ашхобод шаҳрига келгач, Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Туркменистон етакчисини тарихий сана – доимий бетарафликнинг ўттиз йиллиги билан самимий табриклади ҳамда ушбу муҳим воқеага

бағишлаб эртага ўтказиладиган халқаро форум ишига муваффақиятлар тилади.

Суҳбат давомида Ўзбекистон – Туркменистон стратегик шериклик, дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини, биринчи навбатда, сиёсий, парламентлараро, савдо-иқтисодий, маданий ҳамда гуманитар соҳаларда янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Туркменистон етакчилари минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов билан учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Туркма-

нистон Президенти ва қардош халқни мамлакат бетарафлиги эълон қилинганининг 30 йиллиги, ушбу муҳим санага бағишланган халқаро форум юқори савияда ташкил этилгани ҳамда 2025 йил “Халқаро тинчлик ва ишонч йили” деб эълон қилингани билан самимий табриклади.

Туркменистон Президентининг яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистонга давлат ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон – Туркменистон стратегик шериклигини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Йил бошидан буён товар айирбошлаш қарийб бир миллиард долларга етди. “Шовот-Тошовуз” чегараолди савдо зонаси муваффақиятли фаолият юрит-

моқда. Юк ташиш ҳажми 30 фоизга ошди, жумладан, Туркманбоши порти орқали етказиб бериш фаоллашди. Гуманитар ва ҳудудлараро алмашинувлар давом этмоқда.

Ҳукуматлараро комиссия, Ишбилармонлар кенгаши ва Ҳудудлар форумининг бўлажак йиғилишларида савдо ҳажмини каррасига ошириш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари, хусусан, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт ва бошқа соҳаларда қўшма лойиҳаларни самарали илгари суриш бўйича таъсирчан чоралар кўриш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга амалий ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

Мана тўққиз йилдирки, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистонда олиб борилаётган шиддатли янгиланиш жараёнлари, айниқса, маънавий-маърифий жабҳалардаги ислохотлар жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотиб, юксак эътироф этилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН: УЧИНЧИ РЕНЕССАНС – ТАРАҚҚИЁТ КОНЦЕПТИ КИТОБИ: ВАТАНИМИЗДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАРГА ХОЛИС НАЗАР

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида покстонлик ёзувчи, журналист Муҳаммад Аббос Хоннинг “Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс – тараққиёт концепти” номли китоби тақдимида бу жиҳатлар яна бир қарра ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Ушбу тадбирда Покистон Ислон Республикаси ҳукумати аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, вазирликлар, идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт соҳаси

намояндалари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Хайриддин Султонов кейинги йилларда Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси асосида амалга оширилаётган туб ижобий ўзгаришлар, айниқса, маънавий-маърифий жабҳалардаги янгиланиш жараёнлари, уларнинг наинки Ватанимиз, балки минтақа ривожига кўрсатаётган ижобий таъсири, янги Ўзбекистоннинг шиддатли тараққиёт одимлари халқаро миқёсда алоҳида ҳурмат ва эътибор қозонаётгани хусусида батафсил сўз юритди.

(Давоми 5-бетда) ►



■ Мезон

Очиқ ва мустақил суд тизими сари:

судьялар ҳамжамияти органларида янги ислохотлар

Сўнги йилларда давлат бошқаруви тизимида суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, унинг мустақиллигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини кучайтириш долзарб вазифалардан бирига айланди. Судьялар ҳамжамияти органларининг институционал салоҳиятини мустаҳкамлаш ушбу жараённинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

(Давоми 5-бетда) ►

Бағрикенглик тамойиллари


Афв – адолат ва инсонпарварлик ифодаси

Афв этиш — бу инсонпарварлик, бағрикенглик, кечиримлик орқали қонунийлик ва адолатни таъминлашдир. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2025 йил 7 декабрда имзоланган “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”-ги Фармон билан озоликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига ўтган 615 нафар шахс афв этилгани улкан маънавий аҳамиятга эга воқеаликдир.



Бу ҳақда сўз борганда, давлатимиз раҳбарининг судлар томонидан ҳукм қилинган маҳкумларни афв этиш тўғрисидаги фармонлари халқимизнинг инсонпарварлик, бағрикенглик, кечиримлик каби ўзига хос қадриятларининг чин маънодаги юксак намунаси бўлаётгани-

(Давоми 5-бетда) ►



■ Қонун кўмаги

Кечиккан компенсация

СУД ТОМОНИДАН УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Бинобарин, давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 20 август кун тадбиркорлар билан бўлган очиқ мулоқотда “Барча ислохотларимиз негизда, энг аввало, инсон қадри, тадбиркорларимизнинг манфаатлари ётибди.

(Давоми 4-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҚАРОРИ

2025 йил 24 ноябрь

№ 21

Тошкент шаҳри

Судлар томонидан шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни қўллаш амалиёти ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматлар олий қадрият бўлиб, уларни ҳимоя қилиш судларнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланишини инобатга олган ҳолда ушбу тоифадаги низоларни ҳал қилишда вужудга келадиган масалаларни тушунириш, қонун нормаларини тўғри қўлланилишини ва ягона суд амалиётини таъминлаш мақсадида “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг (бундан буён матнда Конституция деб юритилади) 13-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принциплар-

га асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҚАРОРИ

2025 йил 24 ноябрь

№ 22

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғриси-

да”ги 1-сонли қарорига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

(Давоми 4-бетда) ►



Эркин ВОХИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Ўз латофати

ДАСТУРХОН

Даст — қўл эканини биламиз. Лекин бу форсий сўзнинг бошқа кўп маъноларидан ҳаммамиз ҳам хабардор эмасмиз. Ўзимиз ўнг қўл, чап қўл, қўли баланд, қўлбола, қўли гул, қўл қўймоқ, қўлламоқ... деганимиз каби даст ҳам рангин калима. Даста, дастак, дастгоҳ, дастёр, дастхат, дастпеч, забардаст — булар фақат қўл маъносига туташ сўзлар. Бу суҳаннинг тараф, аҳвол, хил, нав, ғалаба каби мазмунлари бор. Қўч-қудрат, амал-мартабани ҳам ифода қилади. Бундан ҳосила бўлиб дастур атамаси вужудга келган.

Дастур — қоида, йўл-йўриқлар мажмуи. Биз бу кунда уни ана шу маънода тушунамиз ва ишлатамиз. Эски замонда шох фармонлари асосида бундай қоидаларни тайёрловчи вазирни ҳам дастур деб атаганлар. Агар сиз Туркияда ишланган «Муҳташам юз йил» кўп қисмли фильмини томоша қилган бўлсангиз, шох ва шахзодалар ташрифи чоғида жарчи — Дастур! — деб ҳаммани огоҳ қилади. Улуғлар олдида ўзни қандай тутиш дастурда белгиланган ва бу дастурни ҳамма билган.

(Давоми 6-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қ А Р О Р И

Судлар томонидан шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни қўллаш амалиёти ҳақида

◄(Бошланиши 1-бетда)

Судлар Конституциянинг 26, 27 ва 31-моддалари, Фуқаролик ко-дексининг (бундан буён матнда ФК деб юритилади) 99 ва 100-модда-лари, Ўзбекистон Республикаси “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунининг (бундан буён матнда “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонун деб юритилади) 6 ва 34-моддала-ри ва бошқа қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган ҳуқуқлар бузили-ши билан боғлиқ ишларни кўришда ҳар ким ўз шахсига доир маълумот-ларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқига, шунингдек, нотўғри маълумотлар-нинг тўзатилиши, ўзи тўғрисида қонунга хилоф йўл билан тўплан-ган ёки ҳуқуқий асосларга эга бўл-май қолган маълумотларнинг йўқ қилинишини талаб қилиш ҳуқуқи (унутилиш ҳуқуқи) ва бошқа шах-сий номулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳақли эканлигидан келиб чиқишлари лозим.

2. Шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматлар деган-да шахсинг:

ҳаёти ва соғлиғи; шахсий дахлсизлиги; шахсий ҳаёт дахлсизлиги; хусусий ва оилавий сир сақлаш ҳуқуқи; исм (ном)га бўлган ҳуқуқи; тасвирга бўлган ҳуқуқи; шахсга доир маълумотларни ҳи-моя қилиш ҳуқуқи; муаллифлик ҳуқуқи, шу жумла-дан, интеллектуал фаолият соҳа-сидаги ҳуқуқлар; шаъни ва кадр-қиммати; ишчанлик обрўси; бошқа шахсий номулкий ҳуқуқ-лар;

туғилганидан бошлаб ёки қонун-га мувофиқ шахсга тегишли бўлган бошқа номоддий неъматлар тушу-нилади.

Ушбу ҳуқуқларнинг бузилиши мулкй оқибатларга олиб келиши-дан қатъи назар, суд орқали ҳи-моя қилиниши мумкин ва уларни чеклашга фақат қонунларда бел-гиланган ҳолатлардагина йўл қўй-илади.

3. Шахснинг шахсий номулкий ҳуқуқларидан бирининг бузилиши уларни ҳимоя қилиш учун судга му-рожаат қилишга асос бўлади.

Суд орқали ҳимоя қилишнинг шакли ва усули бузилган ҳуқуқнинг хусусияти, аралашув усули, шунингдек, ишни кўришда аниқланган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади ва қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

бузилган ҳуқуқни тан олиш; аралашувнинг қонунга хилофли-гини тан олиш; ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳо-латни тиклаш; ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бу-зилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларни, жумладан, шахс-нинг розилигисиз ахборот, тасвир-лар, шахсга доир маълумотлар ва бошқа маълумотлардан фой-даланиш, уларни йғиш, тизим-лаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, бериш, тарқатиш, узатишни тақиқлаш, шунингдек, эга-сизлантириш ва йўқ қилиш; аралашувни тўхтатишга мажбур қилиш;

радия бериш мажбуриятини юклаш;

ҳуқуқни бузувчи ахборотларни ўчириш, йўқ қилиш ёки блоклаш, ахборотнинг нотўғри эканлиги-ни эълон қилиш мажбуриятини юклаш;

моддий зарар ва маънавий зиён учун тоvon ундириш; қонунчиликда назарда тутилган бузилган ҳуқуқни тиклашни таъ-минловчи бошқа чоралар.

4. Тушунтирилсинки, шахсий номулкий ва бошқа номоддий неъм-атларга оид ҳуқуқларнинг бузи-лиши (шахсий ҳаёт тўғрисидаги ва шахсга доир маълумотларни ошкор этиш ёки ноқонуний тарзда тўплаш, шахснинг розилигисиз унинг тасвирини тарқатиш ёки тарқатиш билан кўрқитиш, исмдан ғайриқонуний фойдаланиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилма-ган ҳолларда шахсга доир маълу-

мотларни қайта ишлаш, сақлаш, тарқатиш ёки узатиш ва ҳ.к.) билан боғлиқ ишларни кўришда:

муайян ҳуқуқнинг бузилганлиги факти;

қонун билан ҳимоя қилинадиган шахсий номулкий ҳуқуқларга ара-лашув факти;

ушбу ҳаракатларга шахснинг розилиги мавжуд эмаслиги (агар амалдаги қонунчиликда бундай ро-зилик талаб этилса);

ҳуқуқни бузган шахснинг хат-ти-ҳаракатлари ва келиб чиққан салбий оқибатлар ўртасида саба-бий боғланиш борлиги;

ушбу оқибатларнинг хусусияти ва оғирлик даражаси (маънавий ва рухий азоб-уқубатлар, ижтимоий ёки касбий обрўнинг йўқотилиши, шахсий ва оилавий ҳаётга арала-шиш ва ҳоказо);

айбдор шахс томонидан ахбо-ротдан фойдаланиш мақсади (ти-жорат, сиёсий ёки шахсий манфаат ва ҳоказо);

суд ҳимояси чоралари қўлла-нилиши учун асослар мавжудлиги аниқланиши лозим.

Мазкур тоифадаги ишларни кў-ришда маънавий зарарни қоплаш тўғрисида талаб қўйилган тақдир-да, бузилган ҳуқуқнинг хусусияти, шахснинг айби шакли ва даража-си, шунингдек, бошқа муҳим ҳо-латларни ҳисобга олган ҳолда етказилган маънавий азоб-уқубат-ларнинг хусусияти ҳам аниқлани-ши лозим.

5. Шахсий номулкий ҳуқуқлари-га тажовуз қилинган ёки ўзи ҳақи-да ҳақиқатга тўғри келмайдиган, обрўсизлантирувчи маълумотлар тарқатилган шахс бундай маълу-мотларни тарқатган шахсни Ўз-бекистон Республикаси Жиноят кодексининг (бундан буён матнда ЖК деб юритилади) 126¹ (оила-вий (маиший) зўравонлик), 139 (туҳмат), 140 (ҳақорат қилиш), 141 (фуқароларнинг тенг ҳуқуқлигли-ни бузиш), 141¹ (шахсий ҳаёт дахл-сизлигини бузиш), 141² (шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш), 141³ (шахс-нинг шаънини ва кадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тutilадиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилиш), 143 (хат-ёзишмалар, теле-фонда сўзлашув, телеграф хабар-лари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш)-мод-даларига кўра, жиноий ёҳуд Ўзбе-кистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодек-сининг 40 (туҳмат), 41 (ҳақорат қилиш), 59² (оилавий (маиший) зўравонлик), 202² (ёлғон ахбо-рот тарқатиш)-моддаларига кўра, маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қи-лишга ҳақли.

Судларга тушунтирилсинки, жи-ноят ишини кўзғатиш рад этилган-лиги, жиноят иши тугатилганлиги ёҳуд оқлов ҳукми чиқарилганлиги, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғриси-да ишни кўзғатиш рад этилганлиги ёки кўзғатилган маъмурий ҳуқуқбу-зарлик тўғрисидаги иш тугатилган-лиги шахсий номулкий ҳуқуқлар-ни фуқаролик тартибдада ҳимоя қилиш тўғрисида даъво кўзғатиш ҳуқуқини истисно этмайди.

Шахснинг бундай ариза би-лан мурожаат қилмаганлиги ёҳуд жавобгарнинг ҳаракатлари-да жиноят таркиби ёки маъму-рий ҳуқуқбузарлик аломатлари аниқланган-аниқланмаганлигидан қатъи назар, судлар ФКнинг 99, 100-моддалари билан кўриқлана-диган шахсий номулкий ҳуқуқлар-ни ҳимоя қилиш мақсадида, аниқлан-ган иш ҳолатларидан келиб чиқиб, қарор қабул қилиши лозим.

6. Судларга тушунтирилсинки, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуннинг 34-мод-даси ва “Ахборотлаштириш тўғри-сида”ги Қонуннинг 12¹-моддасига кўра, оммавий ахборот воситала-рида, веб-сайтларда, ижтимоий тармоқларда, блогларда ва бошқа ахборот интернет-ресурсларида бундай маълумотлар эълон қи-линиши натижасида шахсий но-мулкий ҳуқуқлари ва қонун билан

кўриқланадиган бошқа номоддий неъматлари бузилган юридик ва жисмоний шахслар бундай ҳу-қуқларини ҳимоя қилишга, шу жум-ладан, раддия эълон қилиш ёки те-гишли тартибда жавоб қайтаришни талаб этишга ҳақли.

Газета, телерадио, видео, кино-хроника дастурлари ва оммавий ахборотни тарқатишнинг бошқа электрон шакллари тахририяти томонидан олинган раддия ёки жавоб айнан ўша дастур ёки тур-кумда, келган кунидан эътиборан бир ойдан кечиктирмай, бошқа даврий нашрларда эса навбатдаги сонда эълон қилинади.

Оммавий жойлаштирилган ах-боротни ўз ичига олган интер-нет-ресурслар (веб-сайтлар, сайт саҳифалари, блоглар, ижтимоий тармоқлардаги аккаунтлар ва бош-қа рақамли платформалар)нинг эгалари нотўғри маълумотларни дарҳол ўчириб ташлаши ҳамда дастлабки ахборот жойлаштирил-ган жойда ва шаклда раддия ёки жавоб жойлаштирилишини таъ-минлаши шарт.

Оммавий ахборот воситаси рад-дияни, жавобни эълон қилишдан бўйин товласа ёҳуд уларни эълон қилиш учун белгилаб қўйилган муд-датни бузса, юридик ёки жисмоний шахс даъво аризаси билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Шахснинг раддия бериш ҳақида ресурс эгаларига мурожаат қилма-ганлиги унинг бундай талаб билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқини истисно этмайди.

7. Судларнинг эътибори шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги даъво аризада бир вақтнинг ўзида бири иккинчисидан келиб чиққан фақат номулкий ҳу-сусиятга эга бўлган талаблар (мас-алан, бузилган ҳуқуқни тан олиш, раддия эълон қилиш, ахборотни ўчириш, узр сўраш ва ҳ.к.) мавжуд бўлса, давлат божи фақат асосий талаб бўйича номулкий хусусият-даги аризалар учун белгиланган ставкалардан келиб чиқиб, унди-рилишига қаратилсин.

Агар номулкий ҳуқуқларни ҳи-моя қилиш тўғрисидаги талаб билан бир вақтда моддий зарар ёҳуд маънавий зиён учун тоvon ундириш тўғрисидаги талаб қўйил-ган бўлса, давлат божи умумий асосларда — мулкйй ва номулкий хусусиятга эга бўлган мустақил талаблар учун алоҳида белгилан-ган ставкалар бўйича ундирилади, “Давлат божи тўғрисида”ги Қонун билан белгиланган давлат божи тўловидан озод қилиш ҳолатлари бундан мустасно.

8. Ҳаёт ва соғлиққа бўлган ҳуқуқ Конституция, фуқаролик, жиноий ва маъмурий қонунчилик, шунинг-дек, халқаро шартномалар билан ҳимояланадиган асосий ва мутлақ шахсий номулкий ҳуқуқлар сираси-га киради.

Бу ҳуқуқларнинг бузилиши фаол ғайриқонуний ҳаракатлар (зўравон-лик, ўз жонига қасд қилишга ундаш, тан жароҳати етказиш ва ҳ.) шакли-да ҳам, соғлиққа зарар етказилиши-га олиб келган ғайриқонуний ҳара-катсизлик (масалан, тиббий ёрдам кўрсатишни рад этиш) шаклида ҳам намоён бўлиши мумкин.

Судлар жавобгарнинг ғайриқо-нуний ҳаракатлари (ёки ҳаракат-сизлиги) билан шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган салбий оқи-батлар ўртасида сабабий боғла-ниш мавжуд ёки мавжуд эмаслиги-ни аниқлашлари шарт.

9. Судлар шахсий номулкий ҳу-қуқлар ва бошқа номоддий неъмат-ларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда шахсий дахлсизлик ва шахсий ҳаёт дахл-сизлиги ҳуқуқларини бир-биридан фарқлашлари лозим.

Жумладан, шахснинг дахлсиз-ликка бўлган ҳуқуқи унинг эркин-ликда бўлиши, қонунга асослан-маган ҳолда озодлиги чекланиши мумкин эмаслиги билан ифодала-нади.

Шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳу-қуқи шахснинг туғилиши билан унда мавжуд бўладиган асосий ҳуқуқлардан бири бўлиб, унинг ўзи-га тегишли бўлган маълумотлар,

шахсий ва оилавий сирлари, ёзиш-малари ва ўзига тегишли бўлган бошқа ахборотларни ҳимоя қилиш ҳуқуқи мавжудлигини англатади.

Бундай ишларни кўришда, суд-лар тарқатилган ахборотнинг хусу-сияти, шахснинг розилиги, арала-шув факти, сабабий боғланишни мавжудлиги, юзага келган оқибат-лар ҳамда тарқатиш шакли ва усу-лини аниқлашлари зарур.

10. Судларнинг эътибори хусу-сий ва оилавий сирга бўлган ҳуқуқ хусусий ва оилавий муносабатлар ҳақидаги махфий маълумотлар-ни, жумладан, никоҳ, фарзанд-лар, фарзандликка олиш, тиббий, ижтимоий, маиший ва фуқаро ҳа-ётининг шахсий соҳасини ташкил этувчи бошқа ҳолатлар тўғрисида-ги ахборотларни ҳимоя қилишни ўз ичига олиши, ушбу ҳуқуққа ара-лашув фақат қонун асосида ёки шахснинг ихтиёрий равишда бер-ган розилиги билангина йўл қўй-илишига қаратилсин.

Шахснинг розилигисиз ёки бун-дай розилик берилган мақсадлар доирасидан ташқари кўрсатилган маълумотларни ноқонуний йғиш, тарқатиш, эълон қилиш ёки улар-дан фойдаланиш шахсий номул-кий ҳуқуқларни бузиш ҳисоблани-ши, бундай маълумотларни ошкор этилиши шаън, кадр-қиммат, обрў ва бошқа шахсий ҳуқуқларга зарар етказиш деб баҳоланиши лозим.

11. Судлар шуни эътиборга олишлари керакики, исм (ном)га бўлган ҳуқуқ уни эркин танлаш, фойдаланиш, ўзгартириш, уни бу-зиб кўрсатилиши ва учинчи шахс-лар томонидан ноқонуний ишлати-лишидан ҳимоя қилишни ўз ичига олади.

Исм шахсни индивидуаллашти-риш элементи ҳисобланади, зарар-нинг мавжудлигидан қатъи назар шахсий номулкий ҳуқуқ сифатида ҳимояланади.

Исмни узлаштириш, алмашти-риш, қасддан бузиб кўрсатиш, шахснинг розилигисиз унинг обрў-сига, кадр-қимматига ёки ҳуқуқий шахсиятига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган вазиятларда фой-даланиш билан боғлиқ ҳаракатлар номулкий ҳуқуқни бузиш деб ҳисоб-ланади. Судлар исмдан ижодий асарларда, нашрларда, рақамли профилларда ва жамоатчилик би-лан мулоқотда фойдаланилганли-ги шахснинг ҳуқуқларига дахл қил-ган-қилмаганлигини аниқлашлари лозим.

Бу ҳуқуқлар ҳуқуқни бузганлик фактини тан олиш, исмдан фой-даланишни тўхтатиш мажбурия-тини юклаш, унинг тўғри шаклини тиклаш, кейинги тажовузуларни та-қиқлаш, моддий зарар ва маъна-вий зиённи қоплаш орқали тикла-ниши мумкин.

Сохта исмдан фойдаланиш би-лан боғлиқ ишларни кўришда, агар бу исм шахсни даъвогар билан бир киши деб ҳисоблаш имконини бер-са ва унинг обрўсига путур етказса, нафақат исмга бўлган ҳуқуқ, балки шаън, кадр-қиммат ва ишчанлик обрўсига бўлган ҳуқуқлар ҳам ҳи-моя қилиниши мумкин.

12. Судлар шахснинг ташқи кў-ринишининг ҳар қандай шаклда қайд этилиши (жумладан, фотосу-рат, видеоёзув, портрет, расм, рақамли модель, график ёки сунъ-ий яратилган тасвир) шахсий но-мулкий ҳуқуқ сифатида ҳимоя қи-линишини, қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳоллардан ташқари шахс тасвирини яратиш, ундан фойдаланиш, уни кўпайтириш ёки тарқатишга фақат унинг розилиги мавжуд бўлганда рухсат этилиши-ни инобатга олишлари лозим.

Шахснинг розилигисиз тасвирни қайд этиш ёки тарқатиш, тасвирни бузиб кўрсатиш ёки уни камситув-чи, обрўсизлантирувчи ёҳуд чалги-тувчи контекстда жойлаштириш, тасвирдан тижорат мақсадларида рухсатсиз фойдаланиш, шахснинг асл кўринишини бузишга олиб ке-ладиган тасвирни рақамли қайта ишлаш (жумладан, deerfake, ви-деоматериалларга кириштиш, сохта “скриншот”лар яратиш ва ҳоказо), интернетда хабардор қилмасдан ёки розилик олмасдан чеклан-

маган кириш ҳуқуқи билан омма-лаштириш тасвирга бўлган ҳуқуқни бузиш деб ҳисобланади.

Судлар ушбу тоифадаги ишлар-ни кўришда, мазкур қарорнинг 4-бандида санаб ўтилган ҳолат-лардан ташқари, тасвирни қайд этиш, ундан фойдаланиш ёки уни тарқатиш факти, рақамли қайта ишлаш, сунъий интеллект тех-нологиялари ёрдамида яратил-ган видеотасвирларда шахсни аниқлаш имконияти (жумладан, ташқи, овоз, биометрик белгилар ййгиндиси бўйича), мазкур шахсга тасодифий ўхшашлик ҳолатлари, тасвирнинг ҳақиқий эмаслигини билдирувчи далиллар мавжудли-гини аниқлашлари лозим.

Шахснинг тасвирга бўлган ҳуқу-қини ҳимоя қилиш ҳаракатларни ғайриқонуний деб топиш, рақам-ли муҳитда тасвирни ўчириш ёки блоклаш, визуал материалдан фойдаланишни ўчириш, блоклаш ёки техник чеклаш мажбурияти-ни юклаш (жумладан, рақамли платформалар маъмурларига му-рожаат қилиш орқали), тасвир-дан кейинчалик фойдаланишни тақиқлаш, моддий зарар ва маъ-навий зиённи қоплаш, ҳуқуқ бу-зилишидан олдинги ҳолатни тиклаш шаклларда амалга оширилади.

Тасвирдан фойдаланиш сал-бий контекст билан боғлиқ бўлган ҳолларда (масалан, таҳрировчи нашрда, пародияда, сохталашти-рилган матн қўшилганда ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар билан бирга ишлатилганда), нафақат тасвирга бўлган ҳуқуқ, балки шахс-нинг шаъни, кадр-қиммати, ишчан-лик обрўси, шунингдек, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги ҳуқуқи ҳам ҳимоя қилиниши мумкин.

13. Судлар шахсга доир маъл-умотларни ҳимоя қилиш ҳуқуқи шахсни тўғридан-тўғри ёки билво-сита аниқлаш имконини берадиган ахборотни муҳофаза қилишга қа-ратилган шахсий номулкий ҳуқуқ эканлигидан келиб чиқишлари ло-зим.

Шахсга доир маълумотларга иш-лов бериш (жумладан, уларни тў-плаш, сақлаш, фойдаланиш, тарқа-тиш, ўзгартириш ва узатиш) фақат маълумотлар субъектининг хабар-дорлиги ва ихтиёрий, аниқ розили-ги билан ёки бошқа қонуний асосда амалга оширилиши мумкин.

“Шахсга доир маълумотлар тўғ-рисида”ги Қонуннинг 21-моддасига кўра, бундай розилик унинг олин-ганлиги фактини тасдиқлаш имко-нини берадиган ҳар қандай шакл-да бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, Қонуннинг 25-моддасида назарда тутилган шахсга доир махус маълумот-ларга ишлов бериш учун субъект-нинг ёзма шаклдаги, шу жумладан, электрон ҳужжат тарзидаги рози-лиги талаб этилишига судларнинг эътибори қаратилсин.

Маълумотлар субъекти муома-лага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган, вояга етмаган ёки ва-фот этган ҳолларда, розилик унинг қонуний вакили ёки меросхўрлари томонидан ёзма, шу жумладан, электрон шаклда берилади. Маълумотлар субъекти исталган вақт-да ўз розилигини у қандай шаклда берилган бўлса, ўша шаклда ёки ёзма равишда, шу жумладан, элек-трон ҳужжат кўринишида қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

Тегишли розиликнинг мавжуд эмаслиги, ишлов беришининг белги-ланган мақсадларидан четта чиқиш ёки қонунийлик ва етарлилик та-моийлларига риюя қилмаслик шах-сий ҳуқуқларнинг бузилиши деб тан олинади ва фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликка сабаб бўлади.

Шахсга доир маълумотларга ишлов берилиши натижасида бу-зилган ҳуқуқлар маълумотларга ишлов бериш бўйича ҳаракатларни қонунга хилоф деб топиш, шахсга доир маълумотларга ишлов бе-ришни тўхтатиш мажбуриятини юклаш, уларни ўчириш ёки блок-лаш, моддий зарар ва маънавий зиённи қоплаш, шунингдек, бузил-ган ҳуқуқни тиклашга қаратилган бошқа усуллар билан тикланиши мумкин.

Шахсга доир маълумотлар-га ишлов бериш қонунга хилоф деб топилганда, суд операторга маълумотларни тўлиқ ўчириш ва уларнинг захира нусхаларини ҳам йўқ қилиш мажбуриятини юклаши мумкин.

14. Судлар муаллифнинг шах-сий номулкий ҳуқуқлари (муал-лифлик ҳуқуқи, номга бўлган ҳуқуқ, асарнинг дахлсизлиги ҳуқуқи, эъ-лон қилиш ҳуқуқи ва бошқалар) бошқа шахсга ўтказилмаслигидан, муддатсиз амал қилинишидан ва мулкйй манфаатларидан қатъи назар ҳимоя қилинишидан келиб чиқиши лозим. Бундай ҳуқуқлар интеллектуал меҳнат натижаси яратилган пайтдан бошлаб вуjud-га келади ва ҳам миллий, ҳам халқаро қонунчилик билан ҳимоя қилинади.

Муаллифлики ўзлаштириб олиш, асарни рухсатсиз эълон қилиш, унинг мазмуни ёки шакли-ни бузиб кўрсатиш, шунингдек, субъектнинг ижодий ўзига хослиги-га бошқача тарзда аралашишга қа-ратилган ҳаракатлар муаллифлик ҳуқуқини бузиш деб тан олиниб, у ҳуқуқни эътироф этиш, ҳуқуқ бу-зилишини тақиқлаш, оқибатларни бартараф этиш, моддий зарар ва маънавий зиённи қоплаш ва қонун-да назарда тутилган бошқа усул-лар билан тикланиши мумкин.

Судлар бундай тоифадаги ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Плену-мининг “Интеллектуал мулкка оид ишларни кўриб чиқишнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорин-нинг тушунтиришларини ҳам қўл-лашлари керак.

15. Судлар шаън, кадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қи-лиш тўғрисидаги талабларни ФК-нинг 99-моддасида санаб ўтилган, фуқаро ҳақидаги маълумотларни тарқатиш билан боғлиқ ҳолда бу-зилган бошқа номоддий бойлик-ларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаблардан фарқлашлари лозим. Бу маълумотнинг дахлсизлиги Конституция ва қонунлар билан муҳофаза қилинади ва уни тарқа-тиш, ҳатто бу маълумот ҳақиқатга тўғри келса ҳам, бироқ даъвогар-нинг шаъни, кадр-қиммати ва иш-чанлик обрўсига путур етказса, у маънавий зарар талаб қилишга ҳақли.

16. Судлар шаън, кадр-қиммат ва ишчанлик обрўси беғоналашти-риб бўлмайдиган шахсий номод-дий бойлиқлар бўлиб, мулкйй зар-рар мавжудлигидан қатъи назар, қонун билан ҳимояланишини ино-батга олишлари лозим.

Мазкур ҳуқуқлар тарқатилган маълумотларни ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва шаън, кадр-қим-мат ва ишчанлик обрўсига путур етказадиган деб тан олиш, рад-дия бериш мажбуриятини юклаш, ахборотни ўчириш ва (ёки) уни кейинчалик тарқатишни тақиқлаш, моддий зарар ва маънавий зиённи қоплаш орқали тикланиши мумкин.

17. Фуқаро ФКнинг 100-модда-сига мувофиқ, ўзининг шаъни, кадр-қиммати ёки ишчанлик обрў-сига путур етказувчи маълумотлар юзасидан, башарти бундай маъл-умотларни тарқатган шахс улар-нинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, суд йўли билан раддия талаб қилишга ҳақли. Бу қоида юридик шахснинг ишчанлик обрўсини ҳимоя этишга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Фуқаронинг ёки юридик шахс-нинг қонун нормаларини бузган-лиги, шахсий, ижтимоий ёки сиёсий ҳаётда нотўғри хатти-ҳа-ракатлар содир этганлиги, ишлаб чиқариш-ҳўжалик ва тadbиркорлик фаолиятини амалга оширишда виждонсизлик қилганлиги, ишчан-лик этикаси ёки иш муомаласи одатларини бузганлиги ҳақида нотўғри тарқатилган маълумотлар, шунингдек, фуқаронинг шаъни ва кадр-қимматига ёки фуқаронинг ёҳуд юридик шахснинг ишчанлик обрўсига путур етказадиган маъл-умотлар обрўсизлантирувчи маъл-умотлар ҳисобланади.

(Давоми 3-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қ А Р О Р И

Судлар томонидан шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни қўллаш амалиёти ҳақида

◄(Бошланиши 2-бетда)

Шахс ёки шахслар гуруҳининг кадр-қимматини жинс, ирқ, миллат, тил, дин, этнокод, соғлиғи ҳолати ёки бошқа белгилари бўйича камситадиган фикрлар ёки баё-нотлар камситувчи маълумотлар бўлиб, улар шахсий номулкий ҳуқуқларнинг бузилиши сифати-да ҳуқуқий баҳолашнинг лозим.

18. Тушунтирилсинки, ФК 100-моддасининг биринчи қисми-га мувофиқ, шахснинг шаъни, кадр-қиммати ёки ишчанлик обрў-сини ҳақоратловчи маълу-мотларни тарқатиш туфайли ет-казилган бўлса, маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар, қопланиши лозим.

Судлар бундай маълумотлар: матбуотда эълон қилиш, ра-дио ва телевидениеда узатиш, кинохроника, оммавий чиқишлар, хизмат тавсифлари, мансабдор шахсларга мурожаатлар;

Интернет тармоғида жойлаш-тириш (веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар, блоглар, форумлар, изоҳлар, мессенжерлар, канал-лар, гуруҳлардаги саҳифалар ва бошқалар);

электрон хатлар ва хабарлар-ни бир ёки бир нечта шахсга юбо-риш;

аудио- ва видео материаллар-ни видеохостинглар, стриминг платформаларида тарқатиш;

оғзаки равишда маълумотни бир ёки бир нечта шахсга етказиш орқали тарқатилиши мумкинлиги-ни назарда тутишлари лозим.

Маълумотларни фақат улар тааллуқли бўлган фуқаро ёки юридик шахс вакилининг ўзига етказиш тарқатиш деб ҳисоблан-майди.

19. Суд ҳужжатлари, суришти-рув органлари, дастлабки тергов органлари қарорлари, хизмат текшируви хулосалари ва бошқа процессуал ёки расмий ҳужжат-лардаги маълумотларни рад этиш тўғрисидаги талаблар, агар уларни низолашиш учун қонун-да махсус тартиб белгиланган бўлса, ФК 100-моддасида на-зарда тутилган тартибда кўриб чиқилмайди. (масалан, хизмат текшируви хулосасида келти-рилган маълумотлар юзасидан фақат Меҳнат кодексида назарда тутилган тартибда низолашиш мумкин).

20. Шаън, кадр-қиммат ва иш-чанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги даъвони кўришда, судлар шуни назарда тутишла-ри лозимки, ҳақиқатга тўғри кел-майдиган, обрўсизлантирувчи маълумотлар қонунда белгилан-ган тартибда оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтказилган ахборот ресурсида, Интернет тармоғида жойлашти-рилган бўлса, оммавий ахборот воситаларига тааллуқли бўлган қонунчилик ҳужжатлари қўллани-лиши зарур.

Судлар ушбу тоифадаги иш-ларни кўришда қуйидаги ҳолат-ларни ҳар томонлама аниқлаши керак:

раддия берилиши даъво қили-наётган маълумотнинг тарқатил-ган-тарқатилмаганлиги;

бу маълумотлар юридик ёки жисмоний шахснинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрў-сига путур етказган-етказмаган-лиги;

бу маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келиш-келмаслиги.

21. Тушунтирилсинки, даъво-гар томонидан шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий бойликларни ҳимоя қилиш ҳақи-даги талаб билан бирга жавоб-гарнинг ғайриқонуний ҳаракатла-ри туфайли етказилган моддий зарарни ёки маънавий зиённи қоп-лаш ҳақида ҳам талаб қўйилган бўлса, суд бу талабни ФКнинг 985 ва 1021-моддаларига мувофиқ ҳал этади.

Моддий зарарни қоплашга фақат тегишли ҳуқуқ бузилган-лиги аниқланган ва ушбу ҳара-кат ғайриқонуний деб топилган,

даъвогарга моддий зарар етқа-зилган ёки у олиши мумкин бўл-ган фойдани олмай қолганлиги жавобгарнинг ҳаракатлари билан юзага келган оқибатлар ўртасида сабабий боғлиқлиги исботланган тақдирдагина йўл қўйилади.

22. ФК 1021-моддасининг ик-кинчи қисмига биноан, агар за-рар кадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳақоратловчи маълу-мотларни тарқатиш туфайли ет-казилган бўлса, маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар, қопланиши лозим.

Суд маънавий зарарнинг миқ-дорини белгилашда ФКнинг 1022-моддаси талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сонли қарори ту-шунтиришларидан келиб чиққан ҳолда, фуқаронинг шаъни, кадр-қимматини камситган, об-рўсизлантирган материалнинг мазмуни ва моҳияти, ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар-ни тарқатган оммавий ахборот воситаси ёки муайян шахснинг айб даражаси, аудиториянинг оз-кўплиги, даъвогарнинг жамиятда тутган ўрни, эркин фикр билди-риш мувозанатининг бузилганли-ги ва бошқа эътиборга молик ҳо-латларни ҳисобга олиши лозим.

Бунда, моддий зарар ва маъ-навий зиён учун тоvon суммаси даъвогар кўрсатган бошқа шах-слар фойдасига эмас, балки бе-восита даъвогар фойдасига ун-дириллиши лозимлигини инобатга олиш керак.

23. ФКнинг 163-моддасига асо-сан, шахсий номулкий ҳуқуқларни ва бошқа номоддий неъматларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талаблар-га даъво мuddати татбиқ қилин-майди.

24. Судлар шуни эътиборга олишлари керакки, шахсий но-мулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик про-цессуал кодекси (бундан буён матнда ФПК деб юритилади) ик-кинчи бўлимининг 2-кичик бўлими ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 26-моддаси биринчи қисмининг 11-бандига мувофиқ даъво тар-тибида кўриб чиқилади.

Шу билан бирга, ахборотни тарқатган шахсни аниқлашни имкони бўлмаса (аноним хатлар шаклида тарқатилганда, Интер-нет тармоғида ёки бошқа ахбо-рот-коммуникация тизимларида жойлаштирилганда, агар тарқа-тиш манбасини аниқлаш имкон-сиз бўлса, шунингдек, ахборот тарқатувчи шахс вафот этган ҳо-лларда) ҳуқуқи бузилган шахснинг тарқатилган ахборот ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар эканлиги фактини аниқлаш ҳақи-даги аризасига асосан алоҳида иш юритиш тартибида (ФПКнинг 27-28-боблари) ҳам қўриб чиқи-лишига йўл қўйилади.

25. Шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги ариза билан қуйидагилар мурожаат қи-лиш ҳуқуқига эга:

шахсий номулкий ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган бошқа номоддий неъматлари бу-зилган шахс;

вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган шахснинг қонуний вакили;

вафот этган шахснинг шаъни, исми, тасвирига бўлган ҳуқуқини, шунингдек, бошқа номоддий бой-ликларини ҳимоя қилиш ҳақидаги ишлар бўйича унинг меросхўрла-ри (ФК 1113-моддасининг иккинчи қисмига кўра, мерос қолдирувчи-нинг шахси билан чамбарчас боғ-лиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбурият-лар мерос таркибига кирмаслиги боис, моддий зарар ва маънавий зиённи ундириш ҳақидаги даъво талаблар бундан мустасно);

прокурор;

давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаро-

лар қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларнинг манфаатида.

26. Судларга тушунтирилсин-ки, шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги даъво-лар бўйича тегишли ахборотни тарқатиш усулидан қатъи назар (жумладан, босма нашрлар, ра-дио, телевидение, веб-сайтлар, веб-сайт саҳифалари, блоглар, ижтимоий тармоқлардаги про-филлар, мессенжерлар ва бошқа ахборот-коммуникация восита-лари) бадном қилувчи ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар-нинг муаллифлари, шунингдек, уларни тарқатган шахслар жа-вобгар бўлади.

Агар ОАВда маълумотлар тарқатилган ёки аниқ муаллифи кўрсатилмаган тахририй ёҳуд аноним материал эълон қилин-ган тақдирда, оммавий ахборот воситаси тахририяти (эгаси) ҳам тегишли жавобгар бўлади.

Бадном қилувчи маълумот-лар веб-сайтлар, ижтимоий тар-моқлардаги саҳифалар, блоглар ёки бошқа интернет-ресурслар орқали тарқатилган ва муайян му-аллифи кўрсатилган бўлса, ушбу муаллиф, муаллифи кўрсатилма-ган ёки ахборот ресурс, саҳифа ёки канал номидан жойлашти-рилган бўлса, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 12¹-мод-дасига мувофиқ эълон қилина-ётган ахборотнинг тўғрилигини текшириш, унинг ишончлилигини таъминлаш ва нотўғри матери-алларни дарҳол олиб ташлаш мажбурияти юкланган тегишли ахборот ресурси эгаси ёки бошқа-рувчиси (шу жумладан, блогер) тегишли жавобгар бўлади.

Агар маълумотлар ходим то-монидан ташкилот номидан хиз-мат вазифаларини бажариш ёки касбий фаолият билан боғлиқ ҳолда тарқатилган бўлса, ФКнинг 989-моддасига мувофиқ, ушбу ходим қайси юридик шахснинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилган бўлса, ўша юридик шахс тегишли жавобгар деб топила-ди, бу ҳолда ходим мустақил та-лаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ёки суд қарори билан шерик жавобгар сифатида ишда иштирок этишга жалб этилиши мумкин.

Даъвогар маълумотларни биргаликда тарқатган бир неч-та шахсларнинг бирига нисба-тан даъво кўзғатишга ҳақли бў-либ, бундай ҳолларда суд бошқа шахсларни ишда шерик жавобгар сифатида иштирок этишга жалб қилиши мумкин.

27. Судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, шахсий но-мулкий ҳуқуқлар ва бошқа номод-дий неъматларни ҳимоя қилиш тўғрисида даъво ариза топши-рилганда, ФПКнинг 189-моддаси-да кўрсатилган маълумотлардан ташқари, аризда:

- даъвогарнинг фикрича, бузил-ган аниқ шахсий номулкий ҳуқуқ; - ҳимояланадиган соҳага ара-лашувга олиб келган жавобгар-нинг ҳаракатлари (ёки ҳаракат-сизлиги) нимадан иборатлиги;

- низолашилаётган маълумот-лар мазмуни, уларнинг ифодала-ниш шакли (матн, тасвир, аудио-ёки видеоёзув ва бошқалар);

- низоли ахборотни тарқатиш усули, канали ва муҳити, жум-ладан канал ик интернет-ресурслар, босма нашрлар, эфир узатишла-ри ва бошқа воситалар;

- ҳуқуқ бузилишининг келган оқибатлари (маънавий азоб-уқубатлар, обрў-эътиборнинг йўқолиши, шахсий ёки оилавий ҳаётга аралашув, бошқа салбий таъсирлар);

- маълумотларни рад этиш, ўчириш ёки блоклаш, кейинчалик тарқатишни тақиқлаш, моддий зарар ва маънавий зиённи қоп-лаш ва бошқа ҳимоя чораларини ўз ичига олган талаблар кўрсати-лиши мумкин.

28. Судлар шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматларни ҳимоя қилиш тўғри-

сидаги ишлар бўйича исботлаш предмети ва далиллар таркиби-ни аниқлашда, ФПКнинг 72-мод-дасига мувофиқ ҳар бир тараф ўз талаблари ёки эътирозларини асослаш учун таянаётган ҳолат-ларни исботлаши шартлигини инобатга олишлари лозим.

Шу билан биргаликда, тарқа-тилган маълумотларнинг ҳақиқат-га тўғри келишини исботлаш мажбурияти ФКнинг 100-модда-сига кўра, жавобгар зиммасига юклатилганлигига судларнинг эъ-тибори қаратилсин.

29. ФПКнинг 71-моддасига му-вофиқ, мазкур тоифадаги ишлар бўйича тарафларнинг важларини асослаётган ҳар қандай фактик маълумотлар далил ҳисоблана-ди.

Бундай ишларда:

- видео ва аудиоёзувлар, шу жумладан, электрон шаклдаги файллар;

- Интернет тармоғи, ижтимо-ий тармоқлар, мессенжерлар ва бошқа платформалардаги нашр-лар мазмунини акс эттирувчи скриншот ва бошқа рақамли тас-вирлар;

- веб-сайтлар, блоглар, ижти-моий тармоқ саҳифалари, фо-румлар ва бошқа рақамли ах-борот манбаларидан олинган контентлар;

- маълумотлар тарқатилганли-ги, уларнинг мазмуни ва учинчи шахслар томонидан қабул қилин-ганлигини тасдиқловчи гувоҳлар кўрсатмалари;

- махсус билим талаб этувчи ҳолатларда тилшунослик, ахбо-рот технологиялари, рақамли изларни аниқлаш, биометрия ва бошқа соҳалардаги мутахассис тушунтиришлари ёки экспертиза хулосалари мақбул далиллар ҳи-سوبланади.

“Нотариат тўғрисида”ги Қонун-нинг 70²-моддасига кўра, нотари-ус гувоҳларнинг кўрсатмалари-ни ёзиб олиш, ёзма, ашёвий ва рақамли далилларни кўздан ке-чириш ва тасдиқлаш, экспертиза тайинлаш, шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги факт-ларни тасдиқлаш ҳуқуқига эга эканлигидан келиб чиқиб, судлар ФПК 75-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ, нотариус то-монидан тасдиқланган ҳолатлар, агар нотариал ҳаракат белгилан-ган тартибда амалга оширилган ва унинг ҳақиқийлиги ФПКнинг 235 ва 236-моддаларида назарда тутил-ган тартибда рад этилмаган бўлса, исботлашни талаб этмаслигига эъ-тибор қаратишлари лозим.

30. Оммавий ахборот восита-ларида тарқатилган баҳоловчи фикр ёки мулоҳаза ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таъ-сир қилади деб ҳисоблаган шахс ФК 100-моддасининг олтинчи қисми ва “Оммавий ахборот воси-талари тўғрисида”ги Қонуннинг 34-моддасига кўра, ўзига берил-ган жавоб, шарҳ, лўқма ҳуқуқи-дан фойдаланиб, ўша оммавий ахборот воситасида тарқатил-ган фикрларнинг асоссизлигини исботлаш учун уларни бошқача баҳолашни талаб қилиши мум-кин.

Агар субъектив фикр даъво-гарнинг шаъни, кадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсини камситув-чи шаклда ифодаланган бўлса, у шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматларини ҳимоя қилишга ҳамда ҳақорат қи-лиш натижасида етказилган маъ-навий зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

31. Судлар шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматларнинг бузилиши билан боғлиқ ишларни кўришда, агар ҳуқуқ бузилиши ахборот-комму-никация технологиялари орқали содир этилган бўлса, рақамли мухитнинг ўзига хос хусусиятла-рини ҳисобга олишлари лозим.

Хусусан, қуйидаги ҳолатлар эъ-тиборга олиниши керак:

интернетда ахборот тарқатиш аноним тарзда ёки тарқатувчи-нинг шахсини яшириш учун тех-ник воситалардан фойдаланган

ҳолда амалга оширилиши мум-кинлиги;

баъзи ҳолларда тарқатиш ман-баи рақамли излар, жумладан, IP-манзил, домен номи, вақт бел-гилари, интернет-провайдерлар, хостинг-компаниялар, домен номлари маъмурлари ва бошқа техник воситачиларда сақла-надиган маълумотлар орқали аниқланиши мумкинлиги;

рақамли муҳитда маълумот-ларни кенг аудиторияга етиб бо-риши, кэш ва қидирув тизимлари-да сақланиши ва кўпайтирилиши оқибатида етказилган зарарнинг даражаси юқори эканлиги.

32. Судлар шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тўғри-сидаги ишлар бўйича тарафлар ФПКнинг 166-моддаси тартибида келишув битимини ёки медиатив келишувни тузишлари мумкинли-гини инобатга олишлари лозим.

Суд келишув битимини тас-диқлашда унинг шартлари учин-чи шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари, жамоат манфа-атларига зарар етказмаслигини аниқлаши, келишув шартларини ҳолисона баҳолаши, унинг қону-нийлик талабларига мувофиқли-гини текшириши шарт (ФПКнинг 169-моддаси).

33. Даъвогарнинг низоли ахбо-ротни тарқатган шахс ҳақидаги ёки уни жойлаштириш ҳолатла-ри тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган далилларни мус-тақил равишда олиш имкони бўл-маса, суд ФПК 72-моддасининг учинчи қисмига асосан бундай далилларни тўпплашда кўма-лашиши шарт.

Бу мақсадда интернет хизмат-лари провайдерлари, домен но-млари рўйхатга олувчилари, сайт маъмурлари ва техник маълумот-ларга эга бўлган бошқа субъект-ларга сўровнома ёки суд топши-риги юборилиши мумкин.

34. ФПКнинг 105, 106-моддала-рига кўра, агар даъвони таъмин-лаш чораларини кўрмаслик суд ҳужжати ижросини қийинлаштир-са ёки уни бажариб бўлмайдиган қилиб қўйса, суд тарафининг ил-тимосномаси ёки ўз ташаббусига биноан иш мазмунан ҳал этил-гунга қадар даъвони таъминлаш чораларини кўриши мумкин.

Шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳақидаги ишларда, ФПКнинг 106-моддасида кўрса-тилган даъвони таъминлаш чора-ларидан ташқари, рақамли муҳит шароитида бундай чораларга қуйидагилар кириши мумкин:

низоли маълумотларни ҳар қандай шаклда (шу жумладан, Интернет тармоғи ва бошқа ахбо-рот каналлари орқали) тарқатиш-ни вақтинча тақиқлаш;

даъвогарнинг ҳуқуқларини бу-зувчи маълумотларни ўз ичига олган веб-саҳифа, аккаунт ёки бошқа рақамли ресурсга кириш-ни тўсиб қўйиш;

шахсга доир маълумотларни қайта ишлаш, сақлаш ёки тарқа-тишни тўхтатиб туриш;

даъво қилинаётган тасвир, ау-дио, видеоёзув, матн ёки бошқа объектни ўз ичига олган моддий ташувчиларни муҳрлаш, олиб қўйиш ёки уларга киришни бош-қача тарзда чеклаш.

35. Судлар шахсий ҳаёт, шахсга оид маълумотларни, оилавий, тиб-бий ёки қонун билан ҳимоялана-диган бошқа сирларга тааллуқли ишларни кўриб чиқишда, ФПК-нинг 12-моддасига асосланиб, суд мажлисини ёпиқ тарзда ўтқа-зиш масаласини муҳокама қили-ши мумкин.

36. Даъво қаноатлантирилган тақдирда, суд ҳал қилув қарори-нинг ҳулоса қисмида ҳақиқатга тўғри келмайдиган деб топилган маълумотларга раддия бериш усулини кўрсатиши шарт. Раддия айнан шу нотўғри маълумотни

эълон қилган оммавий ахборот воситасида эълон қилиниши ло-зим. Суд ҳал қилув қарорида бе-риладиган раддия матнини баён қилади ва у эълон қилинадиган мuddатни кўрсатади.

Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар ташкилот томо-нидан берилган ҳужжатда ифо-даланган бўлса, суд ҳал қилув қарорида бундай ҳужжатни ал-маштириш мажбуриятини ўша ташкилотга юклаши лозим.

Суд ҳар бир ишнинг аниқ ҳо-латларидан келиб чиқиб, жавоб-гарга кўпчилик олдида кечирим сўраш, тарқатилган маълумот-ларнинг нотўғри эканлигини йиғи-лишда эълон қилиш, даъвогарни бадном қилувчи маълумот хабар қилинган ташкилотга раддия бе-риш мажбуриятини юклатиши мумкин.

37. ФКнинг 100-моддаси тарти-бидаги низо кўриб чиқилаётган вақтда ҳақиқатга тўғри келмайдиган, шахсни обрўсизлантирувчи маълумотларни тарқатган омма-вий ахборот воситасидининг фао-лияти тўхтатилган ёҳуд тугатил-ган бўлса, суд жавобгар оммавий ахборот воситаси тахририяти, таъсисчи ёки эгаси ҳамда ахбо-ротнинг муаллифига ўз ҳисоби-дан раддия бериш ёки даъвогар-нинг жавобини бошқа оммавий ахборот воситасида эълон қилиш мажбуриятини юклашга ҳақли.

38. Шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суднинг ҳал қилув қарори суд белгиланган мuddатда бажарилмаган тақдирда, айбдор шахс Маъмурий жавобгарлик тўғриси-даги кодексининг 198¹-моддаси иккинчи қисми ҳамда Жиноят ко-дексининг 232-моддасида назар-да тутилган жавобгарликка тор-тилиши мумкин.

Шахсга нисбатан қонунда бел-гиланган жазо чораларининг қўл-ланилиши уни суднинг ҳал қилув қарорида кўрсатилган ҳаракат-ларни бажариш вазифасидан озод этмайди.

39. Судларнинг эътибори ушбу низоларни қонунда белгиланган мuddатларда кўриб чиқиб, ҳал қилиш зарурлигига ва ишларни кўришда сансоларликка йўл қўй-масликка қаратилсин.

Шу билан бирга, ҳал қилув қарорининг ижросини кечикти-риш рақамли муҳитда ундирувчи учун кўп зарар келтириши ёки унинг ижро этилиши мумкин бўл-май қоллишини инобатга олиб, суд томонидан ҳал қилув қаро-ри дарҳол ижрога қаратилиши-га йўл қўйилиши мумкин (ФПК 267-моддаси).

40. Судлар қонун билан ман этилган, ҳақиқатга тўғри келмай-диган маълумотларни тарқатили-шининг олдини олиш мақсадида, бадном қилувчи маълумотлар тарқатилганлиги сабабларини синчковлик билан аниқлашлари, бажарилиши устидан тегишли назорат ўрнатган ҳолда хусусий ажрим қўаришлари лозим.

41. Қорақалпоғистон Республи-каси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари шахсий номул-кий ҳуқуқлар ва бошқа номод-дий неъматларни ҳимоя қилишга доир ишлар бўйича суд амали-ётини мунтазам равишда умум-лаштириб бориши ва мазкур то-ифадаги ишлар кўрилишида суд хатоларининг олдини олиш юза-сидан чоралар қўриши лозим.

42. Мазкур қарор қабул қилини-ши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Плену-мининг 1992 йил 19 июндаги “Суд амалиётида фуқаро ва ташкилот-ларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунларни қўллаш тўғрисида”ги 5-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

Б. ИСЛАМОВ

Пленум котиби, Олий суд судьяси

У. ХОЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қ А Р О Р И

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги

“Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

◄(Бошланиши 1-бетда)

1. **Муқаддимаси:** куйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин: “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси талаби-га кўра, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.”;

иккинчи – тўртинчи хатбоши-лари тегишлича, **учинчи – бешинчи хатбошилари** деб ҳисоблансин;

2. **2-бандининг иккинчи хатбошидаги** “зиёённи” деган сўз “зарарни (зиёённи)” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3. **6-бандидаги** “ҳукмда” деган сўз “айблов ҳукмида” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4. **8-бандининг иккинчи хатбошидаги** “саналиши” деган сўз “топилиши” деган сўз билан алмаштирилсин;

5. **9-банди** куйидаги мазмундаги **тўртинчи ва бешинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

“Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг бошқа давлатлар судларининг ҳукмлари бўйича судланганлиги ҳам ҳисобга олиниши мумкин.

Бунда судлар бошқа давлат судининг ҳукмида кўрсатилган жиноят учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ҳам жиноий таъқиб назарда тутилганлигини, шунингдек, ушбу Кодекс 34-моддасидаги шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш учун белгиланган мезонларга мувофиқлигини текширишлари керак.”;

6. **11-банди:** **иккинчи хатбошисидаги** “жиноят” деган сўз “жиноятлар” деган сўз билан;

“энг кўп жазонинг” деган сўзлар “энг кўп асосий ва қўшимча жазонинг” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“Айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув тузилган жиноят ишлари бўйича шахсга нисбатан жазо тайинлашда, агар тайинланаётган жазо ЖКнинг 57²-моддаси талаби-га кўра, модда санкциясида кўрсатилган энг кам жазо миқдори ёки муддатидан камроқ бўлиши лозим бўлса (масалан, ЖК 168-моддасининг 4-қисми санкциясида саккиз йилдан ўн йилга қадар озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда

тутилган) ЖКнинг 57²-моддасини қўллаган ҳолда жазо тайинланиб, айни вақтда ЖКнинг 57-моддасини қўллаш талаб қилинмайди.”;

учинчи – бешинчи хатбошилари тегишлича, **тўртинчи – олтинчи хатбошилари** деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбошининг иккинчи жумласи алоҳида **бешинчи хатбошиси** сифатида куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Энг кўп жазо деганда, Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида (модданинг қисмида) назарда тутилган ҳар қандай жазо турининг энг юқори муддати ёки миқдори тушунилиши лозим.”;

бешинчи – олтинчи хатбошилари тегишлича, **олтинчи – еттинчи хатбошилари** деб ҳисоблансин;

7. **12-банди:** куйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“Судларга жиноят содир қилган вояга етмаган шахсларга нисбатан жазо ўрнига қонунда белгиланган мажбурлов чораларини кенгроқ қўллаш тавсия этилсин.”;

иккинчи – еттинчи хатбошилари тегишлича **учинчи – саккизинчи хатбошилари** деб ҳисоблансин;

куйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“Бунда ЖК 57-моддасини қўллаш талаб этилмайди, бундан судланувчига у айбдор деб топилган ЖК Махсус қисмининг моддасида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазоларнинг тайинлиши ҳоллари мустасно.”;

бешинчи – саккизинчи хатбошилари тегишлича **олтинчи – тўққизинчи хатбошилари** деб ҳисоблансин;

еттинчи хатбошида “82” рақамидан кейин “82¹” рақами киритилсин;

8. **17-банди** куйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“Судларнинг эътибори ўта хавфли рецидивистлар ва ўта оғир жиноят содир этган шахсларга нисбатан ҳукмнинг ижросини кечиктириш мумкин эмаслигига қаратилсин.”;

9. **17⁴-банди** куйидаги мазмундаги **иккинчи – бешинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

“Белгиланган тартибга асосан, куйидагилар мажбурий жамоат ишларини ўташдан бўйин товловчилар деб эътироф этилади:

суднинг ҳукми қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб, ўн кун ичида ҳисобга турмаган, шунингдек, жазони ўташдан бўйин товлаш мақ-

садида яширинган маҳқум; ёзма огоҳлантириш олганидан сўнг, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар мавжуд бўлмаса-да, мажбурий жамоат ишларида бир ой давомида икки мартадан кўп иштирок этмаган маҳқум (бу ерда йилнинг календар ойи эмас, балки меҳнат интизомини бузган, яъни узрли сабабларсиз мажбурий жамоат ишларида чиқмаган кундан бошлаб бир ойлик муддат назарда тутилди);

ёзма огоҳлантириш олганидан сўнг мажбурий жамоат ишларини ўташ жойидаги (объектидаги) ташкилотнинг ички меҳнат тартиби қоидаларини бир ой давомида уч мартадан кўп бузган маҳқум (бундай ҳолатда меҳнат тартиби қоидаларини бузиш деб қўйидагилар тушунилади: ишга кечикиш, ишга маст ҳолда келиш; ишни ўзбошимчалик билан тўхтатиш; иш вақти давомида жазони ўташ жойини муддатидан аввал ташлаб кетиш; тасдиқланган нормалар ва ишлаб чиқариш вазифаларини қасддан бажармаслик; техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларини қасддан бузиш; иш давомида жамоат тартибини бузиш ва меҳнат мажбуриятларини бажариш давомида ташкилотга моддий зарар етказиш).

10. **17⁶-банди** куйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“Мажбурий жамоат ишларининг ўталмаган қисмини озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштириш ҳақидаги ишлар маҳқумнинг иштирокисиз кўрилиб ва ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган қисми озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган тақдирда маҳқумни ҳибсга олиш ва унга нисбатан қидирув эълон қилиш ҳақидаги масала суд томонидан ҳал қилиниши керак.”;

иккинчи хатбоши тегишлича **учинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

11. **19-бандининг тўртинчи хатбошисидаги** “ўзига нисбатан ногиронлик белгиланган шахслар” деган сўзлар “биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12. **20-банди:** **учинчи хатбоши** чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши тегишлича **учинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

13. **21-бандининг биринчи хатбошидаги:**

“Ўттиз кундан кўпроғини ўташдан бўйин товланган тақдирда” деган сўзлар “Ўттиз кундан кўпроғини ўташдан узрли сабабларсиз бўйин товланган ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетилган тақдирда” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

“жазо тури билан” деган сўзлар “жазога” деган сўз билан алмаштирилсин;

“аҳамияти йўқ” деган сўзлардан кейин “(озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланиши мумкин бўлмаган шахслар бундан мустасно)” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

куйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“Тайинланган жазо муддатининг жами бўлиб Ўттиз кундан кўпроғини ўташдан узрли сабабларсиз бўйин товлаш деганда, кетма-кетлигидан қатъи назар, жами Ўттиз кундан ортиқ жазони ўташдан бўйин товлаш ёхуд ушбу муддатда жазо ижросини амалга оширувчи орган томонидан жазони ўташ учун юборилган қорхона, муассаса, ташкилотга бормаслик тушунилади.”;

иккинчи хатбоши тегишлича **учинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

14. **23-банди** куйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“Ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган қисмини озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштириш ҳақидаги ишлар маҳқумнинг иштирокисиз кўрилиб ва ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган қисми озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган тақдирда, маҳқумни ҳибсга олиш ва унга нисбатан қидирув эълон қилиш ҳақидаги масала суд томонидан ҳал қилиниши керак.”;

иккинчи хатбоши тегишлича **учинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

15. **25¹-банди** куйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“Судлар жиноят ишида судланувчининг ҳақиқатда ўқиши ва муқим иш жойига эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигига аҳамият қаратишлари лозим.”;

учинчи – тўртинчи хатбошилари тегишлича, **тўртинчи – бешинчи хатбошилари** деб ҳисоблансин;

16. **25¹-бандининг тўртинчи хатбошидаги** “жазоларни ижро этиш инспекцияси” деган сўзлар “пробация бўлинмаси” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17. **25²-банди:**

куйидаги мазмундаги **ўн биринчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“Суд ҳукмининг қарор қисмида маҳқум айнан қандай жойларга бориши, қайси турдаги оммавий ва бошқа тадбирларда иштирок этиши, қандай фаолият билан шуғулланиши, қандай буюмларга эга бўлиши ёки уларни ўзида сақлаши тақиқланаётгани аниқ кўрсатилиши керак.”;

ўн биринчи хатбоши тегишлича, **ўн иккинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

ўн иккинчи хатбошидаги “тўла ёки қисман юклатилиши” деган сўзлардан кейин “ёки умуман юклатилмаслиги” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

18. **25⁴-бандининг иккинчи хатбошидаги** “жазони ижро этиш идоралари” деган сўзлар “пробация бўлинмаси” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19. **25⁵-банди иккинчи хатбошисининг “г” кичик бандидаги** “жазоларни ижро этиш инспекцияси” деган сўзлар “пробация бўлинмаси” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20. Куйидаги мазмундаги **25⁷-банд** билан тўлдирилсин:

“25⁷. Судлар жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан озодликни чеклаш жазоси тайинлаган тақдирда, жиноятнинг содир этилиш усуллари ҳисобга олинган ҳолда айбдор шахсга нисбатан алоқа воситаларидан, шу жумладан, Интернетдан фойдаланмаслик қўшимча тақиқларини кенгроқ қўллаш тавсия этилсин.”;

21. **28-бандининг иккинчи хатбошидаги** “ёки” деган сўз “жазо ЖК 50-моддасининг 6-қисми тартибида” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22. **38-банди** куйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“Шу билан биргаликда, судлар ЖК 44-50-моддаларида (вояга етмаганларга нисбатан ЖК 82-85-моддаларида) назарда тутилган жазоларнинг минимал миқдоридан ҳам камроқ жазо тайинлаш мумкин эмаслигига алоҳида

эътибор қаратишлари лозим.”;

23. **45-банди** куйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“Судларга тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57²-моддасига асосан, айбга иқдорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинланиши ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, қўшимча жазо қўллашни истисно қилмайди”;

24. **54-бандининг биринчи хатбошидаги** “ҳукм эълон қилинганидан сўнг” деган сўзлардан кейин “(шу жумладан, ҳукм қонуний кучга киргунга қадар)” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

25. **58-банди:** куйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“Бунда, судларнинг эътибори шахс бошқа-бошқа жиноятларда эмас, балки ЖКнинг айнан бир моддаси турли қисмларида (масалан, ЖК 168-моддасининг турли қисмларида) назарда тутилган ўхшаш қилмишни содир этганликда айбли деб топилиб, улардан айримлари биринчи ҳукм чиқарилгунга, бошқалари эса, ҳукм чиқарилгандан сўнг содир этилган ҳолларда, жазони ЖКнинг 33-моддаси иккинчи қисми талабидан келиб чиқиб, шу модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича тайинлаб, сўнгра ЖКнинг 60-моддаси тартибида тайинлашнинг ўзи етарли бўлиб, ЖК 59-моддасининг 8-қисми қоидаларини қўллаш талаб этилмаслигига қаратилсин.”;

иккинчи – учинчи хатбошилари тегишлича, **учинчи – тўртинчи хатбошилари** деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбошидаги “ёки озодликни чеклаш” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

26. **60-банди** куйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“Бир неча жиноят ёки бир неча ҳукм юзасидан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳар хил жазолар тайинланганда, шахснинг ушлаб турилган, уй қамоғи ва қамокда сақланган муддатлари ЖК 59, 59-моддасининг 8-қисми ва (ёки) 60-моддаси тартибида жазо тайинланганидан сўнг ЖКнинг 62-моддасига асосан, оғирроқ жазодан чегирилиши лозим”.

◄(Бошланиши 1-бетда)

Шу боис суд мустақиллигини таъминлаш бўйича қатъий сиёсат олиб борамиз. Бугунги тадбиркор, бу – кечаги тадбиркор эмас. Уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ошганини судларга мурожаат кўпайганида ҳам кўриш мумкин. Эндиликда тадбиркорлар иқтисодий ва маъмурий судларга экстерриториал тартибда мурожаат қилиши мумкин бўлади” дея таъкидлади.

Шу ўринда фикримизни ҳаётий мисоллар асосида давом эттирсак, яқинда суд томонидан “Тўрақўрғон турон сервис” масъулияти чекланган жамиятининг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинди.

Аниқланишича, Тўрақўрғон тумани ҳокимининг 2017 йил 11 мартдаги қарорига кўра, “Тўрақўрғон турон сервис” масъулияти чекланган жамиятининг умумий майдони 1142,63 метр квадрат бўлган

■ Қонун кўмаги

маъмурий биноси бузилади. Шунингдек, туман ҳокими қарорида туман архитектура ва қурилиш бўлимига бузилишга тўшаётган бино-иншоотлар эгаларига бошқа ер майдонлари танлаш ҳамда тегишли ташкилотлар билан келишиш, туман молия бўлимига эса, маҳаллий бюджетдан компенсация маблағи тўлаб бериш вазифаси ҳам белгиланган.

Шундан сўнг “Тўрақўрғон турон сервис” масъулияти чекланган жамиятига Янги-обод маҳалласида joyлашган, туман ҳокимлиги балансида бўлган бино қопилли нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти учун фойдаланишга берилган. Орадан бир йил ўтгач, 2018 йил 15 февралда масъулияти чек-

Кечиккан компенсация

СУД ТОМОНИДАН УНДИРИБ БЕРИЛДИ

ланган жамиятига доимий фойдаланиш учун 800 квадрат метр ер майдони ажратиб бериш тўғрисида туман ҳокимининг 169-сонли қарори қабул қилинган.

Аммо орадан саккиз йил ўтса-да, тадбиркорга компенсация маблағлари тўлаб бериш пайсалга солиб келинаётганди. Табиийки, тадбиркор ўтган даврда туман ҳокимлигига қатнаб сарсон-саргардон бўлди. Шунингдек, у бир неча марта компенсация маблағи тўлаб бериш ва фойдаланишга олган эски биносини масъулияти чекланган жамияти номига расмийлаштириш тўғрисида ёзма мурожаат қилди. Лекин унинг барча мурожаатлари натижасиз қолди. Охир-оқибат тадбиркор Ж.Жўраев туман адлия бўли-

мига мурожаат қилиб, амалий ёрдам сўради. Ўз навбатида, адлия бўлими томонидан масъулияти чекланган жамияти манфаатини кўзлаб, Чуст туманлараро иқтисодий судига даъво ариза киритилди.

Айтиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 97-сонли қарори билан тасдиқланган “**Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида**”ги Низом (ушбу Низом 2020 йил 1 январдан ўз кучини йўқотган) нинг 3¹-бандига асосан, ер участкаларини олиб қўйишда объектларни бузишга кўчмас мулкнинг бозор қиймати ва



олиб қўйиш сабабли мулкдорга етказилган зарар тўлиқ қопланганидан кейин рухсат бериллади.

Шунингдек, 2022 йил 29 июнда қабул қилинган “**Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида**”ги қонунинг 23-модда-

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

Пленум котиби, Олий суд судьяси

Б. ИСЛАМОВ

У. ХОЛОВ

ботига кўра, тадбиркорнинг бузилишга тушган бино-иншоотининг бозор қиймати 1 миллиард 105 миллион сўм, ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи қиймати эса, 468 миллион сўмнинг бозор қиймати 1 миллиард 573 миллион сўмни ташкил этишига эътибор қаратилди.

Суд ана шундай ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда тадбиркорга баҳолаш хулосасида белгиланган компенсация маблағини ундириш хусусида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, тадбиркорнинг ҳуқуқи ҳимоя қилиниб, адолат қарор топгани қувонарли ҳол, албатта. Умуман олганда, соҳа вакилларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш орта қайтмас исплотхотлар самарасидир.

Акмалжон ШОКИРОВ,

Чуст туманлараро иқтисодий суди раиси

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Бу ўзгаришлар Ўзбекистонга унинг ўз фарзандидек муносабатда бўлган покстонлик журналист ва адиб Муҳаммад Аббос Хоннинг “Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс — тараққиёт концепти” номли китобида жуда самимий, реал, холис, ҳаққоний тарзда ўз аксини топгани диққатга сазовор.

Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти директори, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси аъзоси Азамат Зиё, Покистон Ислои Респуббликаси Президентининг Матбуот котиби ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бўйича маслаҳатчиси Муртазо Соланги, Покистон Ислои Респуббликаси Бош вазирининг савдо ва саноат масалалари бўйича координатори Рана Ихсаан Афзал Хон, Ўзбекистон Респуббликаси Фанлар академияси вице-президенти Бахром Абдуҳалимов, Покистон Ислои Респуббликасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарук Аҳмад, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси раиси Ёзрождиддин Саййид ва бошқалар Муҳаммад Аббос Хоннинг мазкур китоби хусусида батафсил сўз юритди.

Ушбу китоб 2025 йилда урду тилида покистонлик журналист ва ёзувчи томонидан бадиий-публицистика жанрида ёзилган.

Муҳаммад Аббос Хон Покистон Ислои Респуббликасининг “Daily Ittehad” газетаси Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатларидаги махсус мухбиридир. Муаллифнинг таъкидлашича, асарда жоним миқёсидаги давлат ва сиёсат арбоби Шавкат

Мирзиёев томонидан илгари сурилган Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш маърифат, тинчлик ва мулоқот каби қадриятларга асосланган буюк ўзгаришлар лойиҳаси экани кўрсатиб берилган. У, шунингдек, инсониятни ҳамкорликка чорлаш, тинчлик ва мулоқот каби қадриятларга асосланган буюк ўзгаришлар лойиҳаси, вақт измига бўйсунмас абадий ғоялардан бири сифатида талқин этилган.

Мазкур асарга Покистон Бош вазири жаноб Муҳам-

ЎЗБЕКИСТОН: УЧИНЧИ РЕНЕССАНС – ТАРАҚҚИЁТ КОНЦЕПТИ КИТОБИ: ВАТАНИМИЗДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАРГА ХОЛИС НАЗАР

мад Шаҳбоз Шариф сўз боши ёзиб, китоб “башарият тамадулининг келажакдаги ривожини теран англаб олишга қаратилган изланиш ва мушоҳадаларни ўзида муҳим Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарук Аҳмад, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси раиси Ёзрождиддин Саййид ва бошқалар Муҳаммад Аббос Хоннинг мазкур китоби хусусида батафсил сўз юритди.

Ушбу китоб 2025 йилда урду тилида покистонлик журналист ва ёзувчи томонидан бадиий-публицистика жанрида ёзилган.

Муҳаммад Аббос Хон Покистон Ислои Респуббликасининг “Daily Ittehad” газетаси Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатларидаги махсус мухбиридир. Муаллифнинг таъкидлашича, асарда жоним миқёсидаги давлат ва сиёсат арбоби Шавкат

башарият келажаги, маърифатнинг қадр-қиммати ва янги бутунжаҳон гуманизми шакллантиришда Шарқнинг тутган муҳим ўрнини янада яққол намоён этиб, истиқболдаги улуг режаларга ўз хиссасини қўшишига ишонч билдиради.

Бу Покистон давлати ва халқининг Президентимизнинг ғоялари ва халқлар ўртасида ҳамкорлик ҳамда хавфсизликни таъминлашга қаратилган глобал миқёсдаги қатор ташаббусларининг ҳам юксак эътирофи.

ёевнинг мамлакатда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш ғояси, деб биланман. Зеро, Учинчи Ренессанс ғояси — вақт измига бўйсунмас абадий ғоядир. Менинг наздимда, мазкур ғоя инсон тафаккурининг бемисл уммонига қуйилувчи қудратли дарёга ўхшайди. Фикримча, бу ғоя нафақат Ўзбекистон келажаги учун асос, балки янги, янада уйғун ва самарали дунёни шакллантиришнинг инновацион модели ҳамдир”.

Мазкур китоб ўқувчини

Қайд этиш лозими, Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Хайрли иш яхши ниятдан бошланади”, деган сўзлари, муаллиф томонидан “чин маънодаги ўзгаришлар инсоннинг эзгулиги ва адолатга хизмат қилиш истагидан бошланади”, деб талқин этилган ҳамда китобнинг фалсафий асосини ташкил этган.

Мазкур асарда давлатимиз раҳбарининг инсонпарварликка асосланган янги тафаккури акс эттирилган. “Менинг назаримда, — деб ёзади Муҳаммад Аббос Хон ўз асарида, — инсоният тарихида давлат ёки империянинг мавжудлигидан ҳам барқарорроқ нарса бор. Бу — буюк ғоялар. Улар тарихнинг йўналишини ўзгартириб, келажакни шакллантира оладиган қудратли куч ҳам ҳисобланади. Ана шундай ғоялардан бири — Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзи-

теран мулоҳазага чорлайди. Унда давлатимиз раҳбарининг “тарих девор эмас, балки кўприкка, келажак эса, рақобат эмас, балки ҳамкорлик майдонига айланади”, деган фикрлари аниқ миқдорлар ва ҳаётий воқеалар орқали ифода этилган.

Асарда, жумладан, Ўзбекистон миллий давлатчилик ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибасига оид қатор мисоллар келтирилади.

Китобнинг илк тақдими жорий йил октябрь ойида Исломободда бўлиб ўтди. Тадбирда Покистон Ислои Респуббликаси Президенти администрацияси ва Хукумати аъзолари, таниқли сиёсатшунос ва олимлари, тахлилчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Унда “Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс — тараққиёт концепти” номли ушбу асар,

шубҳасиз, нафақат ўзаро тушуниш манбаси, балки Ўзбекистонда амалга оширилётган ислохотларни чуқур англаш калити бўлиб хизмат қилиши таъкидланди.

Покистонлик сиёсатчи ва илмий экспертларнинг фикрича, ёзувчи Муҳаммад Аббос Хон томонидан ёзилган ушбу асар ва унда кўтарилган фикр ва талқинлар нафақат Покистонда, балки Европа ва бошқа мамлакатларда ҳам юқори баҳоланмоқда.

Хозирда “Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс — тараққиёт концепти” китоби ўзбек тилида ҳам нашр этилди.

— Мен кўп йиллардан буюн Ўзбекистонда ашайман, — деди покистонлик адиб ва журналист Муҳаммад Аббос Хон. — Унинг халқи билан доимий мулоқотдаман. Бу юртда кечаётган шиддатли ислохотлар мени жуда илҳомлантиради. Ўзбекистонда улкан ижобий ўзгариш кечаяпти ва улар ўзининг натижасини кўрсатмоқда. Бу ислохотлар наинки Ўзбекистон, балки хорижда ҳам эътироф этилмоқда.

Тадбирда Муҳаммад Аббос Хоннинг китоби, сўнгги йилларда Ўзбекистонда кечаётган буюк ўзгаришлар, ҳаётда ўз ифодасини топаётган эзгу ғоя ва ташаббуслар, Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги тарихий дўстлик алоқалари хусусида батафсил сўз юритилди.

Тадбирда Ўзбекистон Респуббликаси Президенти Администрацияси Коммуникациялар департаменти раҳбари — Ўзбекистон Респуббликаси Президенти Матбуот котиби Шерзод Асадов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Бағрикенглик тамойиллари



Афв – адолат ва инсонпарварлик ифодаси

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Маълумки, илгари ҳар йили юртимизда жиноят содир этган шахсларни кечирининг муҳим механизми ҳисобланган амнистия ақлари қабул қилиб келинган.

Бироқ амнистияда аввал жиноятлар тоифаси белгиланиб, кейин эса, ана шу жиноятлар тоифасига тушадиган шахслар доираси аниқланган. Бу эса, қилмишига пушаймон бўлмаган, етказилган зарарни тўлиқ қопламаган шахслар ҳам амнистия таъсирига тушиболарига имкон берган ва жиноят содир этган шахсларда жазони ҳис этмаслик каби нотўғри фикрнинг шаклланишига, жабрланган шахсларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ушбу жараёндаги ноҳақликларга барҳам бериш мақсадида мутлақо янгича ислохотга қўл урди. Яъни афв этиш ҳақидаги ҳужжатларни тайёрлаш ва тақдим қилиш бўйича махсус комиссия ҳамда ишчи гуруҳлар тузилди.

Кейинчалик афв этишни амалга ошириш бўйича конституциявий ваколатини рўёбга чиқариш механизмлари янада такомиллаштирилди. Хусусан, 2018 йил 8 майда Президентимизнинг Фармони билан Ўзбекистон Респуббликасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Унда афв этиш тўғрисидаги илтимосномани тақдим этиш, расмийлаштириш ва қўриб чиқиш, шунингдек, бу масалалар бўйича комиссия фаолиятини ташкил этиш тартиб-таомиллари белгилан қўйилди.

Низомга мувофиқ, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар, жамоат ташкилотлари вакилларида иборат ишчи гуруҳлар комиссия билан ўзаро ҳамкорликда бевосита жойларга чиқиб, ҳар бир маҳкум билан алоҳида суҳбатлашиб, уларнинг шахсини ўрганади. Шунингдек, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, етказилган зарарнинг қопланганлиги, маҳкумнинг ўз қилмишидан пушаймонлиги, унинг шахсини тавсифловчи ҳолатлар, ёши, соғлиги, оилавий аҳоли, жабрланганлар, кенг жамоатчилик, маҳкумни яшаш жойи вакиллари вакиллари фикри ҳам эътиборга олинади.

Бу, ўз навбатида, ушбу механизмнинг очиклиги ва шаф-

фофлигини таъминламоқда. Ҳар бир шахснинг озолиқдан маҳрум этилиши билан боғлиқ ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилиб, унинг келгусида оила, маҳалла ва ҳудуддаги яшаш шароити ҳисобга олинмоқда.

Статистика маълумотларига кўра, 2017 йилдан буюн 8 мингга яқин маҳкум афв этилган. Кўни кеча эълон қилинган Фармон билан бу рўйхат янада ошди.

Янги Фармон асосида афв этилган шахсларнинг 220 нафарини асосий жазодан тўлиқ озолиқ этилган бўлса, 123 нафарини жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озолиқ қилинди. Шунингдек, 97 нафарининг озолиқдан маҳрум этиш жазоб бўлганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ушбу жараёндаги ноҳақликларга барҳам бериш мақсадида мутлақо янгича ислохотга қўл урди. Яъни афв этиш ҳақидаги ҳужжатларни тайёрлаш ва тақдим қилиш бўйича махсус комиссия ҳамда ишчи гуруҳлар тузилди.

Кейинчалик афв этишни амалга ошириш бўйича конституциявий ваколатини рўёбга чиқариш механизмлари янада такомиллаштирилди. Хусусан, 2018 йил 8 майда Президентимизнинг Фармони билан Ўзбекистон Респуббликасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Унда афв этиш тўғрисидаги илтимосномани тақдим этиш, расмийлаштириш ва қўриб чиқиш, шунингдек, бу масалалар бўйича комиссия фаолиятини ташкил этиш тартиб-таомиллари белгилан қўйилди.

Низомга мувофиқ, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар, жамоат ташкилотлари вакилларида иборат ишчи гуруҳлар комиссия билан ўзаро ҳамкорликда бевосита жойларга чиқиб, ҳар бир маҳкум билан алоҳида суҳбатлашиб, уларнинг шахсини ўрганади. Шунингдек, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, етказилган зарарнинг қопланганлиги, маҳкумнинг ўз қилмишидан пушаймонлиги, унинг шахсини тавсифловчи ҳолатлар, ёши, соғлиги, оилавий аҳоли, жабрланганлар, кенг жамоатчилик, маҳкумни яшаш жойи вакиллари вакиллари фикри ҳам эътиборга олинади.

Бу, ўз навбатида, ушбу механизмнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминламоқда. Ҳар бир шахснинг озолиқдан маҳрум этилиши билан боғлиқ ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилиб, унинг келгусида оила, маҳалла ва ҳудуддаги яшаш шароити ҳисобга олинмоқда. Статистика маълумотларига кўра, 2017 йилдан буюн 8 мингга яқин маҳкум афв этилган. Кўни кеча эълон қилинган Фармон билан бу рўйхат янада ошди.

Янги Фармон асосида афв этилган шахсларнинг 220 нафарини асосий жазодан тўлиқ озолиқ этилган бўлса, 123 нафарини жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озолиқ қилинди. Шунингдек, 97 нафарининг озолиқдан маҳрум этиш жазоб бўлганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ушбу жараёндаги ноҳақликларга барҳам бериш мақсадида мутлақо янгича ислохотга қўл урди. Яъни афв этиш ҳақидаги ҳужжатларни тайёрлаш ва тақдим қилиш бўйича махсус комиссия ҳамда ишчи гуруҳлар тузилди.

Кейинчалик афв этишни амалга ошириш бўйича конституциявий ваколатини рўёбга чиқариш механизмлари янада такомиллаштирилди. Хусусан, 2018 йил 8 майда Президентимизнинг Фармони билан Ўзбекистон Респуббликасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Унда афв этиш тўғрисидаги илтимосномани тақдим этиш, расмийлаштириш ва қўриб чиқиш, шунингдек, бу масалалар бўйича комиссия фаолиятини ташкил этиш тартиб-таомиллари белгилан қўйилди.

Низомга мувофиқ, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар, жамоат ташкилотлари вакилларида иборат ишчи гуруҳлар комиссия билан ўзаро ҳамкорликда бевосита жойларга чиқиб, ҳар бир маҳкум билан алоҳида суҳбатлашиб, уларнинг шахсини ўрганади. Шунингдек, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, етказилган зарарнинг қопланганлиги, маҳкумнинг ўз қилмишидан пушаймонлиги, унинг шахсини тавсифловчи ҳолатлар, ёши, соғлиги, оилавий аҳоли, жабрланганлар, кенг жамоатчилик, маҳкумни яшаш жойи вакиллари вакиллари фикри ҳам эътиборга олинади.

Бу, ўз навбатида, ушбу механизмнинг очиклиги ва шаф-

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Бу борада Президентимиз томонидан 2025 йил 24 ноябрда имзоланган “Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ва очиклигини ошириш ҳамда суд мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон алоҳида аҳамият касб этади. Фармонда айнан суд ҳокимияти тизимида туб ўзгаришларни амалга ошириш, судьялар ҳамжамияти органларининг институционал салоҳиятини мустаҳкамлаш, энг муҳими, суд мустақиллигининг чинакам кафолатларини яратишга қаратилган муҳим босқич доирасидаги ислохотлар белгилан берилган.

Мазкур Фармон “Ўзбекистон — 2030” стратегиясидаги суд-ҳуқуқ ислохотларининг устувор йўналишлари билан уйғун ҳолда ишлаб чиқилган. Бу ўринда судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятида судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойилини ва суд мустақиллигига оид илғор халқаро стандартлар кенг жорий этилишини таъминлаш, судьялар корпусини шакллантириш тартибини такомиллаштириш, ушбу жараёнда судьялар ҳамжамияти органлари ролини ошириш ва уларнинг масъулият доирасини аниқ белгилаш, судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятида очиклигини таъминлаш, судьяликка номзодларни танлашнинг шаффоф тартибини жорий этиш ҳамда суд тизимида гендер тенглигини таъминлаш имкониятларини кенгайтириш каби аниқ мақсадлар ҳақида сўз бормоқда.

Фармонда белгиланган асосий мақсадлар суд ҳокимиятининг тўлақонли мустақиллигини таъминлаш, судьялар ҳамжамияти органларининг ролини кучайтириш ва суд тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини замонавий талабларга мослаштиришга қаратилган. Шундан келиб чиқиб, судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятида судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойили устувор ўрин эгаллаши, судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлашда очиклигининг кучайтирилиши, судьялар корпусида сифат ўсишини таъминловчи механизмларнинг жорий қилиниши устувор вазибалар сифатида белгиланмоқда.

Хусусан, суд тизимида гендер тенглик тамойилларини мустаҳкамлаш орқали аёл судьялар улусини камда 30

■ Мезон

Очиқ ва мустақил суд тизими сари: СУДЬЯЛАР ҲАМЖАМИЯТИ ОРГАНЛАРИДА ЯНГИ ИСЛОХОТЛАР

фоизга етказиш бўйича аниқ мақсад қўйилган. Шунинг ўзи ҳам юртимизда суд ҳокимиятининг замонавий демократик талаблар асосида ривожланаётганидан далолат беради.

Шунингдек, Фармонда суд мустақиллигига оид илғор халқаро стандартларни жорий этиш борасида бир қатор муҳим янгиликлар бор. Жумладан, судьяларни навбатдаги ўн йиллик муддатга қайта тайинлаш амалиётидан воз кечилиб, дастлабки тайинлаш — беш йил муддатга, кейинги фаолиятни эса, муддатсиз давом эттириш тартибини жорий этиш судьялар мустақиллиги тамойилининг асосий элементларидан биридир.

Бу ёндашув судьяларни ҳар бир муддатга қайта баҳолаш босимидан холи этиб, улар фаолиятини ташқи омилар таъсиридан ҳимоялашга хизмат қилади. Шунингдек, судья сифатида камда етти йил ишлаган мутахассисларнинг кенгаш судьялигига номзод сифатида тавсия қилиниши тизимга профессионал кадрлар кириб келишига замин яратади.

Бундан ташқари, Президент Фармони билан Судьялар олий кенгаши таркибини шакллантириш тартибининг янгилиниши ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Унга кўра, Олий суд, вилоят судлари ва туманлараро, туман, шаҳар судлари вакиллари аниқ квоталар асосида доимий фаолият юритувчи судьялар сифатида кенгашга кирилтади.

Бу, ўз навбатида, судлар иерархиясининг барча бўғинларидан вакиллик бўлишини таъминлайди ва Кенгашнинг қарорларида адолатли, мувозанатли, тажрибага таянган ёндашувни кучайтиради. Кенгашнинг жамоатчилик асосида фаолият юритувчи аъзоларини фуқаролик жамияти институтлари ва академик доиралар томонидан тавсия қилиниши эса, давлат ва жамият ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, Фармонда суд бошқарувда очикликини оширишни замонавий технологиялар асосида амалга ошириш белгиланган. Хусусан, 2025



йил 15 декабрдан бошлаб, Кенгашнинг расмий веб-сайтида суд тизимида мавжуд бўш раҳбарлик ва юқори туровчи судьялик лавозимларига оид маълумотлар ҳамда уларни эгаллаш учун танловда иштирок этиш тартиби, суд тизимида судьялик лавозимлари, шу жумладан, раҳбарлик ва юқори туровчи судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ҳамда тайинлаш бўйича барча босқичларга оид маълумотлар эълон қилиб борилади.

Айни ёндашув суд тизимида “очиқ маълумотлар” тамойилини жорий этишга йўл очади. Бу нафақат жамоатчилик назоратини кучайтиради, балки номзодлар учун тенг шароит яратди. Шунингдек, Кенгаш ахборот тизimini “рақамли ҳукумат” тизими билан тўлиқ интеграция қилиш, номзодларни ортиқча ҳужжатлар билан овоза қилмаслик, сунъий интеллект асосида судьялар фаолияти самарадорлигини баҳолаш каби механизмлар жорий қилинмоқда. Буларнинг барчаси суд бошқарувини тизимли трансформация қилишни англатади.

Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати — суд мустақиллигини кафолатлаш билан боғлиқ. Хусусан, адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарганлик учун жавобгарлики белгиланган қонунчилик нормаларини суд мустақиллигига оид халқаро стандартлар асосида қайта қўриб чиқиш, Кенгаш аъзоларининг суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш борасидаги фаолиятига аралашганлик учун жиноий жавобгарлик қораларини белгилаш юзасидан таҳлилий ишлар олиб бори-

лиши суд ҳокимиятининг дахлсизлигини мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Ўз навбатида, судья интизомий жавобгарлигини белгиланган мезонларнинг аниқ белгиланиши, интизомий ишда ҳимоя ҳуқуқининг таъминланиши, интизомий жазо амал қилаётган даврда юқори лавозимга тавсия қилинмаслик каби ўзгаришлар суд тизимида ҳалоллик ва касбий этикани мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, ушбу Фармон судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятини ривожлантиришга қаратилган тизимли, комплекс ва изчил ислохотларни ўз ичига олади. Ушбу ислохотлар суд ҳокимиятининг мустақиллигини кучайтириш билан бирга, бутун суд тизимининг самарадорлиги ва очиклигини, судьяларнинг касбий маҳоратини ошириш, замонавий рақамли бошқарув тизимини жорий этиш каби кўплаб устувор йўналишларни қамраб олади.

Суд ислохотларининг янги босқичини белгилаб берган ушбу ҳужжат жамиятда адолат тамойилларининг мустаҳкам ўрнатилишига, суд тизимида бўлган ишончнинг янада ортишига ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнларининг тезлашишига хизмат қилиши шубҳасиз. Бинобарин, Фармоннинг концептуал моҳияти — суд тизимини нафақат ташкилий-институционал жиҳатдан такомиллаштириш, балки уни жамиятга очик, профессионал, мустақил ва адолатли институт сифатида мустаҳкамлашдир.

Қаҳрамон МИРСАФОВ,
Тошкент шаҳар суди судьяси

◆ Жиноят ва жазо

ҲАЛОЛЛИКДА ҲИҚМАТ БОР

жиноий қилмиш эса, ҳеч қачон жазосиз қолмайди

Халқимиз ҳалолликда ҳиқмат бор деб бежиз айтмайди. Чунки пешона тери тўкиб, ҳалол меҳнат қилган одамнинг баракаси бўлади. Энг муҳими, ҳалоллик кўнгил хотиржамлигини таъминлаб, юзни ёруғ қилади. Шунинг баробарида ўзганин меҳнати билан яратилган неъматларни зўравонлик билан тортиб олиш — бу нафақат ноинсофлик, балки жиноят саналади.

(Давоми 6-бетда) ►

◀ (Бошланиши 1-бетда)

🔍 Тарих тилсимлари

Ўғз латофати



кирган. Р товушининг юмшатиб айтилиши ёки тушириб қолдирилиши эса, фақат ўзбек тилига хос эмас. Айниқса, инглизлар бу товушни ёзсалар ҳам озгаки нутқда кўпинча талаффуз қилмайдилар.

Қоида, йўл-йўриқ маъносидаги дастур сўзи тилимиздан мустақкам жой олаётгани қувончли ҳол. Бу йўлда собитқадам бўлишимиз керак. Лекин тилимизни тозалаймиз деб, халқаро атамаларни ялпи суриб чиқариш ҳам тўғри келмас. Улар ҳам янги замонда топган бойлигимиз. Инсон деган сўз ёнида одам, башар, одамзод, жон, шахс, зот, банда каби атамаларимиз турганидек, дастур ёнида программа, муаммо ёнида проблема, атама, истилоҳ қаторида термин ҳам бўлса, арава, улов, марқаб билан ёндош транспорт ҳам кунимизга яраб турса, ўзбекча айтганда, тешиб чиқмайди.

Маънодош сўзларнинг ҳеч бири ортиқча эмас. Улар бир-бирига, ё сен тур, ё мен турай, демайдилар. Тилимизда фаол ишлатилган дорилфунун калимаси бор эди. Уни-верситет деган сўз турганда дорилфунунга нима бор, дея уни қувгин қилдилар. Аслида, университетни дорилфунун — фанлар уйи дейиш хато эмас эди. Расмий истилоҳ баҳсини қилмай, лекин адабиёт учун, айниқса, шеърият учун бу гўзал сўз аъло даражада хизмат қилиб турган эди. Дорилфунуним деб шеърлар ёзган эдик, кўз олдимизда бу сўз архаизмга айланди-қолди.

Такрор айтай, мақсад зинҳор-ба зинҳор мавжуд халқаро атамалардан воз кечиш эмас. Фақат бор сўзларимизни йўқотмасак, ҳазинамизни совурмай, тўлдириш йўлидан

борсак, дейман.

Биз ёзув қуролимизни ручка деймиз. Қалам деб русча карандашни айтамыз. Аслида, ручкани қалам десак тўғри бўлади. Чунки қалам — кесмоқ сўзидан олинган. Қамишни кесиб қалам қилинган ва уни сиёхга текизиб, хат ёзилган. Демак, сиёхли ёзув қуроли — қалам. Биз қалам дейдиган карандаш ҳам асл туркий атама. Русча луғатларнинг барида бу қайд этилган. Фақат аслиятни биров қоратош деса, биров қоринтош дейди. Биз ўз сўзимизни қайтариб олсак ёмон бўлмасди. Лекин амалда бу қийин иш. Шунинг учун иккала ёзув қуролини қалам деб айтсак,

Қоида, йўл-йўриқ маъносидаги дастур сўзи тилимиздан мустақкам жой олаётгани қувончли ҳол. Бу йўлда собитқадам бўлишимиз керак. Лекин тилимизни тозалаймиз деб, халқаро атамаларни ялпи суриб чиқариш ҳам тўғри келмас. Улар ҳам янги замонда топган бойлигимиз. Инсон деган сўз ёнида одам, башар, одамзод, жон, шахс, зот, банда каби атамаларимиз турганидек, дастур ёнида программа, муаммо ёнида проблема, атама, истилоҳ қаторида термин ҳам бўлса, арава, улов, марқаб билан ёндош транспорт ҳам кунимизга яраб турса, ўзбекча айтганда, тешиб чиқмайди.

хато бўлмас. Карандаш — қаламни ҳам учини очиш учун кесилади, яъни қалам қилинади.

Балки хон деган сўзимиз ҳам вақт келиб, столнинг ўрнини олар. Ахир, у қиска ва гўзал сўз.

Ҳазрат Навоий хон сўзини ҳам ясалган стол, ҳам неъмат маъносида ишлатганлар. Стол тушунчаси кўп тилларда фақат ёғоч ашё эмас, ризқ маъносини ҳам англатади. Хон ҳам шундай. Ҳазратга қулоқ тутинг:

Хони ҳусн ул юз, намакдон оғзидур, ул хон аро
Нутқи шўрангездин пайдо намакдониди тўз.

Ёр чеҳраси неъмат тўла хон, оғзи хон устидаги намакдон, туздон, жонга ғавжо офат келтирувчи сўзи эса, ўша туздондаги туз. Қарангки, Навоий замонида ҳам гўзалларнинг тили аччиқ, сўзи нордон бўларкан. Чиройли қочирим баробарида ғавжо маъносидаги шўрангез билан туз ажиб шеърый санъатга айланган. Яна бир ўринда Ҳазрат айтадилар:

Қўйки, ул юз хонига наззора айлай тўйғуча
Ким, кўзум бўлмиш бу қаҳти ҳусн айёмида оч.

Маъноси: Ул гўзал юз неъматига бир тўйиб олай, қўйиб бер, чунки жамолани кўп замон кўрмай, хусн камёблигидан, висол қаҳатчилигидан кўзим оч.

Хон сўзини ҳар қанча тарғиб қилмай, биламанки, у дарҳол тилимизга сингиб кетмайди. Киши умрида татиб кўрмаган таомни ейиши қандоқ қийин бўлса, умрида айтиб кўрмаган сўзини айтиши ҳам шундай мушкул. Бирини кўнгил тортмайди, берига тил келмайди. Лекин она тилимизга ўзбекча сўзларни олиб кириш фақат кўнгил иши эмас, бурч ҳамдир. Бурчини адо этишда эса, уятчанликка ўрин йўқ. Миллий, ватаний иш шахдамлик, жасорат ва мардликни талаб қилади.

(Давоми кейинги сонда)

■ Мулоқот

Савод беринг, жавоб берамиз

— **Эшитишимча, тергов ва суд жараёнларида ёлғон гувоҳлик бериб, муайян жиноий қилмишни яширишга уринган шахсларга нисбатан қонунда тегишли жавобгарлик белгиланган экан. Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.**

О. МАНСУРОВ,
Самарқанд вилояти



— Ҳақиқатан ҳам, қонунда ёлғон гувоҳлик берганлик учун тегишли жавобгарлик белгиланган. Жумладан, Жиноят кодексининг 238-моддасига асосан, ёлғон гувоҳлик бериш, яъни суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов чоғида ёки судда гувоҳнинг ёки жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатма бериши ёхуд экспертнинг била туриб ёлғон хулоса бериши, шунингдек, таржимоннинг бир тилдан иккинчи тилга била туриб нотўғри таржима қилиши — уч ўз соатгача мажбурий жомат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов ёхуд ишни судда кўриш чоғида ёлғон кўрсатмалар бериш учун гувоҳни

ёки жабрланувчини ёки ёлғон хулоса бериш учун экспертни ёхуд нотўғри таржима қилиш учун таржимонни пора эвазига оғдириб олиш, шунингдек, уларга ёки уларнинг яқин қариндошларига руҳий, психологик, жисмоний таъсир кўрсатиш ёки бошқача тарзда таъсир кўрсатиш орқали ёлғон кўрсатма беришга мажбур қилиш — уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Бундан ташқари ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) уюшган гуруҳ манфатларини қўзлаб;
б) оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда айб-лаб содир этилган бўлса — беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

— **Айтинг-чи, эҳтиётсизлик оқибатида биринчи марта жиноят содир қилган шахс ўз қилмишига чин дилдан пушаймон бўлса, жавобгарликдан озод бўлиши мумкинми?**

П. ПАРПИЕВ,,

Андижон вилояти, Избоскан тумани

— Сизнинг бу саволи-гизга жавобан шуни айтиш керакки, амалдаги Жиноят кодексига айбдор шахсни жавобгарликдан озод қилишнинг талаб қилиди.

Албатта, босқинчилар бу қабиҳ қилмиши учун қонун олдида жавоб беришди. Суд томонидан уларга нисбатан қонуний ва адолатли жазо тайинланди.

Бинобарин, юртимизда жиноятга жазо муқаррар. Айниқса, босқинчилик жинояти жаҳон юриспруденциясида оғир жиноятлар қаторида саналади. Чунки у мулкка қарши жиноий қилмиш бўлиши билан бирга, инсоннинг ҳаёти ва ҳаётиёқлигига ҳам таҳдид солади.

Давлатимиз ҳуқуқ тизимида ҳам босқинчилик жиноятининг олдини олиш, бунинг учун жазо чораларини қуйи-тириш ва профилактик тадбирларни самарали ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Негаки, ҳаётда бориға шукур қилиб, қаноат билан яшаган одам сира кам бўлмайди.

Чиндан ҳам, шуқроналик ҳисси одамни улғайтиради, қолаверса, инсонга тинчлик-хотиржамликдан зиёд бахт йўқ. Буни жиноятга мойил шахслар билиб қўйса, ўзига ҳам, жамиятга ҳам яхши бўлади.

Арофат АЛИМОВА,
жиноят ишлари бўйича Қўзғат тумани суди судьяси

◀ (Бошланиши 5-бетда)

Шунинг учун ҳар бир жамият тараққиётида мулк дахлсизлиги ҳамиша муҳим қадриятлардан бири бўлиб келган. Мулкни зўравонлик орқали тортиб олиш, яъни босқинчилик нафақат иқтисодий барқарорликка, балки инсон ҳаёти хавфсизлигига ҳам бевосита таҳдид солувчи оғир жиноят туридир.

Дунёнинг барча ҳуқуқ тизимида босқинчилик оғир жиноят турига киритилган. Ҳуқуқ нуқтаи назаридан, босқинчилик — мулкни зўравонлик билан таҳдид қилиш орқали очикдан-очик тортиб олиш ҳисобланади. Бундай қилмиш нафақат мулк эгасининг ҳуқуқларини, балки унинг жисмоний хавфсизлигини ҳам бузади.

Янада аниқроғи, босқинчилик — “ўғрилиш” ва “талончилик” ўртасидаги жиноятдир. Бунда мулкнинг манфаатини қўзлаган ҳолда, инсонга нисбатан зўравонлик содир этилади.

Бу жиноят турига жазо тайинлашда жаҳон тажрибасида турлича ёндашувлар мавжуд. Хусусан, англо-саксон ҳуқуқ тизимида мулкни ўғирлаш жараёнида куч ишлатиш ёки таҳдид қилишнинг ўзи жиноят деб баҳоланган. Бунда жазо чораси — умрбод қамоқ жазосигача белгиланган.

🔍 **Жиноят ва жазо**

АҚШ федерал қонунчилигида босқинчилик банк, почта ёки давлат мулкига нисбатан содир этилганда, федерал жиноят сифатида баҳоланади. Қурол ишлатиш ёки оғир жароҳат етказиш ҳолатида умрбод озодликдан маҳрум этишгача жазо тайинланиши мумкин.

Шунингдек, континентал ҳуқуқ тизимида, масалан, Германия Жиноят кодексига босқинчилик “зўравонлик билан мулкни тортиб олиш” деб таърифланган ва 5 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси кўзда тутилган. Франция Жиноят кодекси таллабига кўра, зўравонлик билан қилинган ўғирлик оғир жиноят ва бунинг учун 15 йилдан 20 йилгача қамоқ жазоси берилади. Шу тариқа Европа

ҳуқуқ тизимида ҳам босқинчилик фақат мулкий эмас, балки инсонга қарши жиноят сифатида баҳоланади.

Мамлакатимиз ҳуқуқ тизимида келсак, амалдаги Жиноят кодексининг 164-моддасида босқинчилик қийдагича таърифланган: “Мулкни зўравонлик ишлатиб ёки шундай зўравонлик билан таҳдид қилиб, очикдан-очик тортиб олиш босқинчилик деб ҳисобланади”.

Бу жиноят тури учун жазо чоралари қандай? Оддий ҳолда — 3 йилдан 5 йилгача; қурол билан ёки гуруҳ бўлиб содир этилганда — 5 йилдан 10 йилгача; оғир ҳолатларда — 10 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланилади.

Афсуски, юртимизда ана

шундай жиноий қилмишга қўл урадиган кимсалар ҳам учраб туради. Масалан, судланувчи Р.Санжаров (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2024 йил 8 октябрь куни соат, тахминан, 21⁰⁰ ларда таниши Д.Холбоев ва дастлабки тергов давомида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган номаълум шахслар билан ўзаро жиноий тил бириктирган.

Улар жабрланувчи М.Маъмуров қурилиш ишлари олиб бораётган Тошкент вилояти, Қўзғат тумани, “Май” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги рақамсиз уйга гайриқонуний равишда бостириб кирган. Р.Санжаров ҳеч бир сабабсиз жабрланувчи М.Маъмуровнинг юзи ва танасининг турли жойларига уриб, жароҳат етказган.

Судланувчи Д.Холбоев эса, жабрланувчининг баҳоси 14.000.000 сўмлик телефони ва 25.500.000 сўм пулини босқинчилик йўли билан эгаллаб олган.

Судга оид тиббий экспертизанинг 2024 йил 20 декабрдаги хулосасига кўра,

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Алишер УСМАНОВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ
Жамшид САДИНОВ
Муродулло ҚОДИРОВ
Замира ЭСАНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Сахифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзил: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташиқлотлар учун - 575.
Буюртма: Г-1215 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 3 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 3030
1 2 3 4 5 6 Тошпириш вақти: 22³⁰. Тошпирилди: 23³⁰.

МУАССИС:

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



“Дунёнинг барча ҳуқуқ тизимида босқинчилик оғир жиноят турига киритилган. Ҳуқуқ нуқтаи назаридан, босқинчилик — мулкни зўравонлик билан таҳдид қилиш орқали очикдан-очик тортиб олиш ҳисобланади. Бундай қилмиш нафақат мулк эгасининг ҳуқуқларини, балки унинг жисмоний хавфсизлигини ҳам бузади.”